

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ
ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ЖАҲОННИНГ ИЛҒОР ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ- ТАЪЛИМ МАНБАЛАРИ

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
2023

УЎК: 378.014(575.1)

КБК: 74.04(3)

Р – 33

Раҳматуллаев, М.

Жаҳоннинг илғор электрон илмий-таълим манбалари [Матн] : методик қўлланма / М. Раҳматуллаев, А. Эшмуродов . – Тошкент: “Sano-Standart”, 2023. – 32 б.

ISBN 978-9943-7215-6-2

Мазкур методик қўлланма жаҳоннинг етакчи нашриётлари ва улар томонидан чоп этилаётган илмий-таълим ресурсларининг ахборот-кутубхона муассасаларида қўлланилиши, жумладан, электрон илмий-таълим ресурслари ҳақидаги ва уларнинг қидирув тизимлари борасидаги қимматли маълумотларни муҳасамлаштиради.

Мазкур қўлланмадан талабалар, ахборот-кутубхона соҳаси мутахассислари, илмий фаолият билан шуғулланувчи барча соҳа ходимлари, шунингдек, профессор-ўқитувчилар, докторантлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Таҳрир ҳайъати:

Ш.Якубов, М.Эсанов, Т.Аҳмедов,
Л.Зарипов, С.Мусамедов , А.Сабриев

УЎК: 378.014(575.1)

КБК: 74.04(3)

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил 29 октябрдаги 6-сонли йиғилиш баёни ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2022 йил 25 ноябрдаги 388-сонли буйруғи билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-7215-6-2

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази, 2023 й.

КИРИШ

Замонавий таълимнинг ривожланиши фақатгина фанларни ўрганишнинг замонавий усулларини модернизациялаш учун хизмат қиладиган ахборот технологияларининг такомиллашуви билан эмас, балки илмий-таълим ахборотнинг янги манбалари мавжудлиги билан ҳам белгиланади. Қимматли ахборот манбаларидан фойдаланишга бўлган имкониятнинг мавжудлиги ўқув материаллари сифатининг бир неча бор ортишига, шунингдек, олинган билимларни илмий ва касбий фаолиятда қўллашга имкон яратади.

Ғарбнинг етакчи мамлакатларида илғор электрон таълим ресурслардан фойдаланиш нафақат ўқув фаолиятида, балки талабалар, ўқитувчилар, илмий ходим ва мустақил тадқиқотчиларнинг илмий фаолиятларида ҳам муҳим ўрин тутди. Мақолалар ёзиш, битирув ишларини тайёрлаш, диссертация ишларини бажаришда илмий соҳадаги ютуқлар ва жаҳон ресурслари бўйича аналитик таҳлилларни амалга ошириш илмий фаолият жараёнининг муҳим қисми ҳисобланади. Жаҳон илмий-таълим ресурсларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги нимада? Бунда бир қатор муҳим жиҳатларни кўрсатиш мумкин:

- жаҳон илмий-таълим ресурсларининг тезкор навигацияси;
- илмий фаолият билан шуғулланувчилар учун илмий рисоалар ёзиш ҳамда юқори рейтингга эга бўлган журналларда мақолалар чоп эттириш фаолиятларига кўмак бериш;
- ўқитувчиларга таълим бериш сифатини оширишларига ҳамда талабаларга замонавий билимларни илғор жаҳон тажрибалари асосида эгаллашларига ёрдам бериш;
- кутубхона ходимлари, китобхонлар ва фойдаланувчилар учун зарур илмий адабиётларни қидиришда вақтларини максимал даражада тежаш;
- кутубхона жавонларини обуна ресурслари билан жисмоний тўлдиришни камайтириш;
- жаҳоннинг етакчи мутахассислари таҳриридан ўтган сифатли электрон таълим ресурслар (китоб, журнал ва ҳ.к.)дан фойдаланиш;
- республикада илмий журналлар, ташкилотлар ва олимларнинг рейтингини оширишда наукометриқ тадқиқотларни ривожлантириш.

Мазкур методик қўлланма дунёнинг етакчи наشريётларига оид маълумот базалари ҳақида бўлиб, кутубхоначилар, китобхонлар ҳамда тадқиқотчилар учун мазкур ресурсларни излаш, улардан фойдаланишга ёрдам беради.

МУҲИМ ИЛМИЙ-ТАЪЛИМ АХБОРОТ МАНБАЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАҲЛИЛИ

Республикамизнинг илғор ахборот инфратузилмасини яратишда жаҳон ахборот жамиятига қимматли илмий-таълим ресурсларини тақдим этиш соҳасига тенг ҳуқуқли шерик сифатида кириши ташқи ахборот алоқаларини ўрнатиш учун муҳимдир. Бинобарин, электрон ресурсларнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари тажрибаларини, илғор технологияларни ўрганиш, маълумот базаларини ташкил этиш, улардан ахборот-кутубхона муассасаларида онлайн фойдаланишга шароит яратиш зарур.

Илмий-таълим муҳитида ахборотнинг инглиз тилидаги манбалари бошқаларига нисбатан анча кўлдир. Бу табиий, чунки инглиз тили халқаро мулоқот тили ҳисобланиб, барча илмий ва техник янгиликлар марказида бўлиш, улар ҳақида маълумот олиш учун бу тилни тўлиқ даражада эгаллаш муҳимдир. Айниқса, бу ахборот технологияларининг ривожланиши халқаро ахборот алмашинуви чегараларини четлаган даврда алоҳида аҳамият касб этади.

Қуйида электрон илмий-таълим ресурслари аналитик маълумот базаларига эга айрим машҳур нашриётлар, агрегаторлар ҳақида айтиб ўтамиз. Шунингдек, олий таълим ҳамда етакчи ахборот-кутубхона муассасалари билан ҳамкорлик қилувчи жаҳоннинг илғор нашриётлари ва агрегатларига таърифлар келтирилади. Улардан баъзилари билан очиқ ёки имтиёзли фойдаланиш борасида келишувлар амалга оширилган. Шунингдек, республикамизда ресурсларга эга бўлишни таъминловчи ҳамкорлар ҳам мавжуд.

Alexander Street Press

<http://www.alexanderstreet.com/>

Alexander Street — санъат, гуманитар ва ижтимоий фанлар бўйича 2000 йил май ойида тузилган кенг миқёсдаги рақамли коллекцияларнинг илмий маълумотлар базаси. Ношир маълум бир фанлар бўйича кўрсаткичларга кирган олимлар ҳавола қиладиган манзиллар бўйича маълумотлар базасини шакллантиради. Alexander Street тарих, адабиёт, мусиқа, санъат, драма, кинематография, диншунослик, социология ва психология каби фанлар контенти бўйича фойдаланувчиларнинг энг керакли ва актуал ахборотларни тез ва осон топишларини кафолатлайди.

American Chemical Society

ACS Publications

<http://pubs.acs.org/>

American Chemical Society журналлари — юқори сифатли ахборотни тақдим этувчи нуфузли илмий нашрлар жумласига киради. Фаолияти кимё фани билан боғлиқ илмий ва таълимий ташкилотларнинг кутубхоналари, шу билан бирга, табиий фанлар ва универсал комплектлаш йўналишидаги кутубхоналар учун зарур ресурсларни қамраб олади.

АСС фойдаланиш учун қуйидагиларни таклиф этади:

- ўзининг журнал коллекциялари;
- Chemical Abstracts Service (CAS) рефератив-библиографик маълумотлар базаси;
- китоблар ва маълумотнома нашрлар.

Фойдаланиш учун тақдим этиладиган барча журналлар тўлиқ матн кўринишида.

American Physical Society

<http://www.aps.org/>

American Physical Society (APS) миссияси — физика соҳасидаги билимларни ёйиш. Мазкур миссияни қўллаш мақсадида APS дастлабки тадқиқотлар ва журналларни таҳлил қилади. Фан ва техникага оид журналлар электрон шаклда чоп этилади. APSда нашр этиладиган журналлардан олинган мақолалар билимнинг қуйидаги соҳаларига тааллуқдир: юқори ўтказгичлар, физиканинг биологик тадқиқотлари, нанотехнологиялар ҳақида фан, техника ва квант маълумоти кабилар. Бундан ташқари, APS "Physical Review and Physical Review Letters" даражасидаги илмий

тадқиқот ишларидан танлаб олинган қисқа тушунтиришлар “Physical Review Focus” нашр этиб, физиканинг турли тармоқларидаги маълумотларни талаба ва тадқиқотчилар учун тақдим этади. “Physical Review Focus” мавжуд тадқиқотларга осон ва қулай киришни таъминлайди.

American Psychological Association

<http://www.apa.org/>

American Psychological Association (APA) психологиядан маълумотлар тақдим этувчи илмий ва касбий ташкilot ҳисобланади.

APA — бутун дунёдан 150 000 дан ортиқ иштирокчиларига эга психологларнинг халқаро ассоциацияси бўлиб, психология ва бихевиоризм соҳасига оид бир қатор журналларни нашр этади. APA — китоб нашр этувчи етакчи нашриётлардан, шунингдек, бихевиоризмнинг халқаро тадқиқотларини тўлиқ қамраб олувчи 5 та маълумотлар базаси, журналлар ва электрон ресурсларни нашр этади.

Annual Reviews

Annual Reviews Science Collection

<http://www.arjournals.annualreviews.org/action/showJournals>

Annual Reviews — тўлиқ матнли мультидисциплинар ресурс ҳисобланади. Мавзу қамрови — биотиббидиёт, ҳаёт ҳақидаги фан, жисмоний фанлар ва ижтимоий фанларга оид. Базада мавжуд журналлар рўйхати ва тўлиқ матнга кириш шартлари билан компания сайтида танишиш мумкин.

Association for Computing Machinery (ACM)

<http://portal.acm.org/>

<http://portal.acm.org/dl.cfm>

Association for Computing Machinery (ACM) нашрлари — информатика ва компьютер фанларини ривожлантираётган нуфузли ташкilotлардан бири.

40 дан ортиқ илмий ва амалий журналлар, 200 дан ортиқ конференция материаллари, ахборот бюллетени ва бошқаларни ўз ичига олади. Дастурлаш, ҳисоблаш техникаси, телекоммуникация, ахборот тизимларини бошқариш бўйича нашрлардир.

BioOne

www.bioone.org

BioOne — BioOne ахборот агрегаторининг тўлиқ матнли маълумотлар базасидир. Ўзида биология, экология, география, атроф-муҳит ҳақидаги фанларга оид 113 турли илмий жамиятлар ва тадқиқот институтларининг 155 номдаги журналларини ўз ичига олади. BioOne биологик ва экологик фанлар бўйича тақризга эга тадқиқотлардан фойдаланишга имкон яратиш борасида илмий ҳамжамиятлар, нашриётлар, кутубхоналарнинг глобал ва нотижорат ҳамкорлиги ҳисобланади. HINARI, AGORA, OARE, EIFL кабиларнинг хайрия дастурларида иштирок этиш орқали дунёнинг 2500 дан зиёд ташкilotларига ўзининг ресурсларини етказиб беради.

Ўзининг фойдаланувчилари, талаба ва тадқиқотчилар учун биология фанлари бўйича BioOne журналларнинг ноёб тўпламини тақдим этади. Жумладан, глобал исиш, илдиз ҳужайра тадқиқотлари, экология ва биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича ресурсларни ҳам ўз ичига олади.

Cambridge Scientific Abstracts

www.csa.com

CSA компаниясининг маълумот базалари фойдаланувчиларга библиографик хизмат кўрсатувчи қимматбаҳо ресурс ҳисобланади. Халқаро кутубхона абонементи ва ҳужжатларни электрон етказиб бериш тизимида тўлиқ матнли маълумот базаларига ҳаволаларнинг мавжудлиги, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишда нафақат рефератив библиографик, балки тўлиқ матнли ахборот билан ҳам таъминлайди.

Маълумот базалари кенг қамровли бўлиб: техника, қишлоқ хўжалиги, ер ҳақидаги фанлар, тиббидиёт, биология, ижтимоий фанлар, гуманитар фанлар, санъат ва бошқа соҳаларга оид 70 га яқин маълумот базаларини қамраб олади.

Шунингдек, Sage Publications компаниясининг коммуникациялар, криминалистика, сиёсат ва ҳалқаро муносабатлар, социологияга оид 4 та тўлиқ матнли мақолаларнинг маълумот базалари тўпланган. Веб-ресурсларнинг маълумот базалари Интернетдаги илмий ресурсларнинг 240 000 тавсифини ўз ичига олади.

Elsevier

<http://www.elsevier.com/about/worldwide/>

Elsevier — илмий-техник, тиббий адабиётларининг дунёдаги энг йирик ноширларидан бири бўлиб, фан ва таълимдаги ахборот ечимларининг провайдери ҳисобланади. 1880 йили Амстердам (Нидерландия)да ташкил этилган бўлиб, Буюк Британия, АҚШ, Бразилия ва бошқа мамлакатларда ўз филиалларига эга.

Бугунги кунда Elsevier илмий-ахборот нашриётчилик индустриясида ўзининг муҳим ўрнига эга. Илмий журналлар, китоблар, рефератив ва бошқа базалардаги материалларни чоп этиш борасида бой тажрибага эга бўлиб, нашриётда илмий ва тиббий тадқиқотларнинг барча жабҳаларини қўллаб-қувватлаш борасида доимий изланишлар олиб борилади.

Elsevier Books

ScienceDirect

<http://www.sciencedirect.com/>

Элсевиер нашриётининг ScienceDirect платформасида 6000 электрон китоблар (books), Book series (давомли нашр серияси; Handbooks пакетлари, маълумотномалар); алоҳида Reference Works (маълумотнома ва энциклопедик нашрлар); e-books (асосан монографиялар) тўланади. 1995-2006, 2007-2007, 2008 ва 2009 йилларнинг e-booksлари, хронологик даврларнинг предмет коллекцияларини йиғиш, алоҳида нашрларни ҳам йиғишни ўз ичига олади.

Encyclopedia Britannica

<http://corporate.britannica.com/about/>

Encyclopedia Britannica рақамли оммавий ахборот воситалари ва китобларнинг онлайн маҳсулотларини етказиб берувчиларидан бири ҳисобланади. Encyclopedia Britannica дунё бўйича ҳар бир мавзу доирасида ишончли ахборотга эга таълим олишда етакчи роль ўйнавчи, аҳолининг кенг қатламига эса ўз амалий кўникмаларини оширишда ёрдам берувчи манбалардан бири ҳисобланади.

Engineering Village

<http://www.engineeringvillage2.org>

Engineering Village 2-илмий-техник ахборот соҳасидаги ахборотнинг нуфузли Интернет-платформаси ҳисобланади. Мухандислик фанлари ва техника соҳасида ўзининг ноёб ресурсларини тақдим қилади. Engineering Village 2 платформасида қуйидаги маълумотлар базаси: Compendex, Engineering Index Backfile, Inspec, Inspec Archive, NTIS, Referex, Patents from USPTO and esp@cenet, Ei Patents; EnCompassLIT, EnCompassPAT, GeoBase, Chimica, CBNB, PaperChem, GeoRef кабилар тақдим этилади.

Euromonitor International Inc.

Passport GMID (Global Market Information Database)

<http://www.euromonitor.com/PassportGmid>

Euromonitor компанияси томонидан қўллаб-қувватланадиган 205 та бозорнинг стратегик тадқиқотларини олиб борувчи статистика, маркетинг ҳисоботлари ва бозорнинг аналитик таҳлили (GMID)нинг маълумот базаси ҳисобланади. Ресурсларда: мамлакатлар бўйича (демография, иқтисод) статистика; бозор бўйича аналитик ҳисоботлар (бозор хизматлари истеъмол ва саноат бозори бўйича 17 000 дан зиёд ҳисоботлар); профили 3000 дан ортиқ халқ истеъмоли бозорида фаолият юритувчи етакчи компанияларнинг филлилари келтирилган.

JSTOR

<http://www.jstor.org>.

Базада 210 та нашриётнинг журналлари тақдим этилган: <http://www.jstor.org/about/part.publishers.html>

Маълумотлар базаси турли соҳаларга оид бўлиб, гуманитар, ижтимоий фанлар ва математикага доир илмий журналларни ўз ичига олади (26 та фан соҳаси). Ҳозирги вақтда базада 7 та коллекция (баъзи журналлар бир нечта коллекцияларда) тақдим этилади: "Arts & Sciences I Collection" (117 номдаги журналлар 15 соҳа бўйича, жумладан, иқтисод, социология, бизнес, молия, сиёсатшунослик, математика, статистика, антропология ва бошқ.); "Arts & Sciences II Collection" (122 та журнал 19 соҳа бўйича, жумладан, иқтисод, фалсафа, математика, социология, антропология, археология ва бошқ.); "Business Collection" (46 номдаги журналлар иқтисод, молия, бизнес, маркетинг ва менежментга оид); "General Science Collection" (7 та журнал: биология, математика, фалсафага оид JSTORнинг бошқа коллекцияларида акс этмаган материаллар тақдим этилади, хронологик қамрови – 800 йил). "Ecology & Botany Collection" (атроф-муҳитни сақлаш фанлари бўйича 29 та журнал, хронологик қамрови – 130 йил); "Language & Literature Collection" (турли мамлакатларнинг китобат маданияти, тиллар, аёллар адабиётига тааллуқли бўлган 47 та журнал); "Music Collection" коллекциялари (31 та журнал мусиқа назарияси ва мусиқа соҳасида илмий тадқиқотларга оид); "Education Collection", "Law Collection" ва "Arts & Science III Collection" каби янги коллекциялар очиш режалаштирилмоқда (бу журналлар архитектура, санъат тарихи, фольклор, этика, фалсафа, дин ва бошқаларга оид).

Lexis-Nexis

<http://www.lexisnexis.com>

Lexis-Nexis илмий электрон ахборотни тўпловчи дунёдаги йирик агрегаторлардан бири ҳисобланади. Тўлиқ коллекция турли фан соҳаларига оид 35 000 дан зиёд ахборотни ўз ичига олади. Америка ва Ғарбий Европа қонунчилигига оид ноёб манбалар, суд қарорлари, молиявий ва бизнес-янгиликларини қамраб олиб, халқаро ҳуқуқшунослар, иқтисодий ва бизнес таҳлилчилари, иқтисодчи талабалар учун қимматбаҳо восита ҳисобланади. Lexis-Nexis базаси қонунчилик, суд, солиқ ва молиявий ахборотларни, корпоратив ҳисоботларни, даврий маълумотларни ўз ичига олиши билан аҳамиятлидир. Хусусан, Abeledo-Perrot, Martindale-Hubbell(r), Butterworths, Les Editions du Juris-Classeur, Matthew Bender(r), Shepard,(s) ва Orac каби нашриётларнинг материалларини ўзида мужассамлаштирган.

Methods in Enzymology

ScienceDirect:

<http://www.sciencedirect.com/science/bookseries/00766879> платформасида тақдим этилади.

Бу даврий нашрларнинг серияси тиббий биологик фанларнинг турли соҳаларида, биокимё йўналишида фаолият юритувчи олимлар, тадқиқотчилар учун қимматбаҳо нашр материалларини тақдим этади.

Optical Society of America

<http://www.opticsinfobase.org/>

Optical Society of America — оптика соҳаси бўйича мутахассисларнинг илмий ҳамжамияти ҳисобланади. Ёруғлик оптикиси ва фотоника бўйича олинган билимларни фан, саноат ва таълимда қўллаш масалалари билан шуғулланади. 2006 йилдан бошлаб оптика ва турдош соҳалар бўйича 33 000 дан ортиқ журналларда чоп этилган тадқиқот натижалари билан таништиради.

Ovid

www.ovid.com

Бу марка остида 200 дан зиёд ахборот маҳсулотларини ўз ичига олган комплекс тақдим этилади. Библиографик маълумот базалари, китоб ва журналларнинг тўлиқ матнлари, шунингдек, алоҳида соҳа ва мавзулар бўйича ахборот таъминотини қўллаб-қувватлайди. Мазмун жиҳатидан бизнес, молия, қишлоқ хўжалиги, табиий ва гуманитар фанларга оид соҳаларни қамраб олган бўлса-да, Ovid асосий эътиборни тиббий ва фармакологияга оид ресурсларга қаратади. 2001 йил Ovidга қўшилган SilverPlatter компаниясининг ахборот массиви асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Project MUSE

<http://muse.jhu.edu/>

Project Muse платформасидаги илмий электрон журналларнинг “Basic Research Collection” коллекцияси 200 га яқин ижтимоий ва гуманитар фанларга оид тўлиқ матнли нашрларни ўз ичига олади. Хусусан, “Enterprise & Society”, “Social Politics”, “The Journal of Higher Education”, “American Journal of Mathematics”, “Postmodern Culture”, “Theory & Event” ва бошқа журналлар тақдим этилади. Архив 2001 йилдан бошланган.

Questel Patent

<http://www.questel.com/en/Prodsandservices/QPAT.htm>

QPAT дунёдаги етакчи патентли маълумот базалари ҳисобланади. USPTO, WIPO, EPO каби дунёнинг 75 дан ортиқ патент идоралари томонидан тақдим этилган патентларни тўлиқ матнлари ва умумлаштирувчи аннотациялари, FamPat ва PlusPat ресурсларидан фойдаланишга имкон яратиш асосий мақсад қилиб олинган.

REAXYS

<http://www.reaxys.com>

REAXYS — бу кимёгарлар учун янги ахборот ресурси бўлиб, қулай веб-интерфейсда органик, ноорганик кимё соҳасидаги ресурслар, кимё бўйича патентлар билан ишлашга имкон яратади. Шу жумладан, Belshtein, Gmelin ва Patent Chemistry Database маълумот базалари. Турли хил кимёвий компонентлар, библиографик маълумотлар, кимёвий реакциялар бўйича қидирувни (шу жумладан, Belshtein, Gmelin ва Patent Chemistry Database маълумот базалари) амалга ошириш имконини беради.

Sage

<http://www.sagepub.com/>

Sage нашриёти фан, технология ва тиббиёт бўйича жаҳон илмий ҳамжамиятининг юқори баҳосини олган тўлиқ матнли коллекцияларни ўз ичига олган. “Materials Science” коллекциясига кирган 15 та журналдан 12 таси реферацияланадиган журналлар ҳисобланади. Мазкур коллекцияларга обун бўлиш илмий кутубхоналар, фаннинг турли соҳаларида илмий ишланмалар билан шуғулланувчи университет кутубхоналари учун фойдалидир.

Sage Full-Text Collectionsда тиббий ва соғлиқни сақлашга оид журнал материаллари тақдим этилади: “Materials Science Collection”, “Nursing & Health Science Collection”. “Materials Science Collection” 15 та журнални ўз ичига олган бўлиб, 5800 мақоладан иборатдир. “Nursing & Health Science Collection” 7500 мақоладан иборат 26 та журнални ўз ичига олади.

Асосий мавзுவий руқнлар: психология, HRM, бизнес этикаси, экологик менежмент, лидерлик, ташкилий таълим, меҳнат иқтисоди, кичик бизнес бошқаруви, халқаро менежмент, электрон коммерсия, нотижорат ташкилотлар менежменти, хизматлар соҳаси менежменти, маркетинг ва бошқалар. Оқиқ фойдаланиш учун журналларнинг ва рефератларнинг мундарижалари келтирилган. Журналларда Free Sample Issue имкони мавжуд. Рўйхатдан ўтгач, алоҳида журналларнинг алоҳида сонларидан тезкор бепул фойдаланиш имкони берилди.

Sage STM (Science, Technology & Medicine)

<http://www.sagepub.com/home.nav>

STM — бу табиий фанлар, техника ва тиббий соҳалари бўйича 100 дан ортиқ журналлар тўплами. Sage Publications компанияси материалшунослик, социология, криминалистика, этнология, психологияга оид гуманитар журналлари билан машхур. Нашриётнинг 120 та журналлари АҚШ илмий ахборот институти маълумот базаларида келтириб ўтилади.

ScienceDirect

www.sciencedirect.com

Elsevier ноширлик корпорацияси махсулотларидан фойдаланишга имкон берувчи маълумот базаси сифатида 1999 йил ташкил этилган. Кейинчалик унинг мазмуни кенгайди ва ҳозирги кунда ScienceDirect илмий ва техник ахборот, тиббиётга оид йирик ахборот манбаларидан бири ҳисобланади. 5,5 миллиондан зиёд илмий журнал ва китобларнинг, рефератларнинг

маълумот базалари, фундаментал энциклопедик ва маълумотнома нашрларининг тўлиқ маълумот базаларини ўз ичига олади. Барча ҳужжатлар PDF шаклида тақдим этилади. Баъзи материалларнинг PDF шакллари билан бир қаторда, HTML ёки TIFF кўринишлари ҳам тақдим этилади. Рўйхатдан ўтмаган фойдаланувчилар базада қўйилган барча журнал, китоб, энциклопедияларнинг мундарижаларини кўриш имконига эга. Шунингдек, тўловни амалга ошириш ва хоҳлаган манбага эга бўлиш Pay per view функцияси орқали амалга оширилаётган интерфейсга эга.

Scitation

<http://scitation.aip.org/>

Scitation платформаси 20 дан зиёд илмий жамиятлар нашриётларининг электрон нашрларини йиғади. Америсан Institute of Physics журналлари – табиий ва аниқ фанлар бўйича тадқиқот ташкилотларининг ва таълим муассасаларининг кутубхоналари учун зарур бўлган нуфузли илмий нашрлардир.

SPIE Digital Library

<http://spiedl.org/>

SPIE ресурслари тавсифи оптика ва фотоника, унга турдош бўлган соҳалар бўйича 260 000 дан зиёд мақолалар (йилига 17 000 дан ортиқ янги мақолалар, конференция материаллари)ни ўз ичига олади. Тўлиқ матнлардан фойдаланиш: электрон шаклда фойдаланиш мумкин бўлган биринчи сондан (1990-й.) ҳозирги вақтга қадар.

STN International

stnweb.fiz-karlsruhe.de

Академик йўналишдаги 200 дан зиёд маълумот базаларини тўплайди. Шу жумладан, устунлик қилаётган соҳаларга алоҳида эътибор қаратилади. Булар: кимё, физика, геология, материалшунослик, биотехнология, энергетика, фармакология, токсикология, математика ва қишлоқ ҳўжалиги. Қидирув тизими веб-интерфейс ва телнетга яқин бўлган қидирув механизмига эга. Баъзи ресурсларга 4 кунлик бепул синов фойдаланиш (IP-манзил асосида аниқланади) – STN Sneak Preview тақдим этилади.

Taylor & Francis Group online-tizim nomi

Informaworld

<http://www.informaworld.com/>

Taylor & Francis журналлари – универсал комплектлаш йўналишига эга кутубхоналар учун тавсия этиладиган нуфузли нашрлар ҳисобланади. Тиббиёт, ҳаёт фаолияти ҳақидаги фанлар, ижтимоий-гуманитар циклдаги йўналиш бўйича тўлдирилади. Манбаларнинг (журналлар) умумий миқдори 1800 га яқин. Барча тақдим этиладиган журналлар тўлиқ матнли. Асосан, тўлдиришда тиббиёт, ҳаёт фаолияти ҳақидаги фанлар, ижтимоий-гуманитар цикл, шу жумладан, иқтисод ва бизнесга оид ресурсларга аҳамият қаратилади. Эркин фойдаланиш учун журналларнинг мундарижаси, мақолаларнинг рефератлари ва библиографик тавсифи тақдим этилади.

Routledge Reference Religion Resource <http://www.reference.routledge.com/public/religion.html>

Routledge Reference Religion Resource – диншунослик бўйича онлайн фойдаланиш имконини берадиган, бир вақтнинг ўзиде бир қанча манбалардан топиш учун мўлжалланган замонавий қидирув тизимига эга энг яхши маълумотнома нашри ҳисобланади.

The American Association for the Advancement of Science (AAAS)

<http://www.sciencemag.org/>

Мультидисциплинар етакчи илмий журналлардан бири ҳисобланади. Дунёга машҳур илмий-оммабоп нашр. Фанни ривожлантириш бўйича Америка ассоциацияси (AAAS) томонидан нашр этилиб, табиий ва амалий фанлар бўйича янги ишланмаларни таҳлил қилади, дунё бўйича илмий янгилликларни ёритади. Кўлами – 1997 йилдан ҳозирги вақтга қадар.

OECD

Iqtisodiy hamkorlik va rivojlantirish tashkiloti

http://oecdmoscoworg.83.com1.ru/oecd_i.html

- 30 та демократик мамлакатлар ҳокимиятларининг бозор иқтисодиёти шароитида, ҳўжалик фаолияти ва глобаллашув натижасида иқтисодий, ижтимоий вазибаларни ечиш, атроф-муҳит ифлосланиши муаммолари юзасидан бирлашуви.

- OECD қиёсий таҳлил, кўп даражали кооперация муаммоларини прогнозилаш бўйича маълумот базаларини шакллантирган ва уларни қўллаб-қувватлайди.

OECD РЕСУРСЛАРИ

- OECD электрон кутубхонаси ноёб сервис билан қуроллантирилган бўлиб, барча китоблар, ҳисоботлар, йилномалар, иш қозғозлари, даврий нашрлар ва маълумот базаларидан фойдаланишга имкон яратади.

- Source OECD илк фаолиятини 2000 йилнинг ноябрида бошлаган бўлиб, ҳозирда унда дунёнинг 5000 дан ортиқ ташкилотлари обун бўлмоқда.

- Source OECD 20 та мавзувий китоб коллекцияларини, 24 та даврий ва 3 та маълумотнома нашрлар, 24 та OECD статистик маълумот базалари ва 10 та IEA статистик маълумот базаларини бирлаштиради.

- База 2000 дан зиёд китоблар, 1500 та вақтли нашрлар, 90 миллион статистик маълумотлар нашрларини ўз ичига олади.

Politics and International Relations Resource

<http://www.reference.routledge.com/public/politics>

Сиёсат ва халқаро муносабатлар соҳасидаги энг яхши маълумотнома нашрлардан онлайн фойдаланишга имкон беради.

Бир вақтнинг ўзида барча манбалардан қидирувни амалга оширишга имкон яратувчи замонавий қидирув механизмига эга ноёб электрон коллекцияга эга.

Мақолаларни ёзишда 2000 дан ортиқ муҳаррирлар, муаллифлар, таҳририят ходимлари иштирок этишган.

Коллекцияда қуйидагилар тақдим этилади:

- 16 000 дан зиёд матнлар варағи – “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти энциклопедияси”, “Халқаро келишувлар энциклопедияси”, “Инсон ҳуқуқлари энциклопедияси”, “Сиёсий иқтисод энциклопедияси”, “Замонавий сиёсат” (сериялар бўйича) каби классик кўп томли ва бир томли материаллар;

- Асосий мавзу ичиди: экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, гендерлик сиёсати, хавфсизлик масалалари, турли хил сиёсий ғоялар (анархизм, фашизм, либерализм, социализм ва бошқ.) каби бир қатор қуйидаги предмет соҳаларга оид материаллар;

- Қуйидаги мавзулар бўйича минглаб муаллифлик мақолалари: ҳокимият, сиёсий партиялар, дипломатия; кимёвий қуроллар ва кимёвий қуроллар бўйича Конвенция (CWC); эркинлик учун кураш; терроризм ва терроризмни молиялаштириш; иммиграцион сиёсат ва шахсининг дахлсизлиги; NAFTA ва ОПЕС сингари халқаро ташкилотлар фаолияти;

- Нафақат сиёсат ва халқаро муносабатлар, балки ҳуқуқ, фалсафа, тарих, социология, Осиё муаммоларини тадқиқ этиш масалаларига оид материаллар;

- Коллекция мавзулари талабалар ва тадқиқотчилар учун қизиқарли ва фойдалидир.

East View kompaniyasi

<http://eastview.com/>

East View (Ist Vyu) Minneapolisda (AQSH) joylashgan xalqaro kompaniya бўлиб, Россия ва Украинада офислари мавжуд. Компания 1989 йилда ташкил топган. Фаолиятининг асосий йўналишларидан бири рус тилидаги электрон ресурсларни тақдим этиш ҳисобланади. Асосан Ғарбий Европа, AQSH ва Японияда жойлашган йирик оммавий кутубхоналар, университетлар ва илмий марказлар компаниянинг маълумотлар базаларига обун бўлади. Компаниянинг East View

Publications (Ist Vyu Pablikeyshns) фирмаси рус тилидаги онлайн маълумотлар базаларини тақдим этади. Россия нашрларининг маълумотлар базаларидан Гарвард, Ел, Принстон, Нью-Йорк, Чикаго, Мичиган, Индиана университетлари ҳамда АҚШ ва Европадаги ўнлаб илмий муассасалар ва оммавий кутубхоналар фойдаланади. East View Publications умумий маълумотлари ва ресурсларидан <http://www.eastview.com/>, <http://news.mosinfo.ru>, <http://www.ebiblioteka.ru/> сайтларда фойдаланиш мумкин. "IVIS" МЧЖ компанияси East View Information Services, Inc. Америка компаниясининг Россия ва МДХ мамлакатларидаги расмий ҳамкори ва эксклюзив дистрибютори ҳисобланади.

"OXFORD UNIVERSITY PRESS SPRINGER SCIENCE AND BUSINESS MEDIA"

Oxford University Press нашриёти Оксфорд университетининг бўлинмаларидан бири бўлиб, 1478 йилдан бери иш юритади. Унинг фаолияти илмий нашрлар воситасида бутун дунёда таълим ва илмий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган.

Oxford University Press корпоратив, илмий, давлат, тиббий, ҳуқуқий кутубхоналарни ўз ичига олган турли ташкилотларнинг фойдаланувчиларига электрон ресурслардан эркин фойдаланиш имкониятини беради.

Нашриёт илмий тадқиқот журналлари, шунингдек, илмий ва маълумотнома нашрларини электрон шаклда тақдим этади. Журнал ва онлайн ресурслар гуманитар, ижтимоий, табиий фанлар, тиббиёт ва ҳуқуқ каби мутахассисликларнинг асосий қисмини ўз ичига олади.

Электрон ресурслар дарс бериш ва тадқиқот ўтказиш учун мўлжалланган функционал имкониятларни, шунингдек, улардан кутубхонада фойдаланишни амалга оширадиган қатор бепул вазифаларни тақдим этади.

Ресурслар шарҳи

Оксфорд университети қошидаги нашриёт тиббий, ҳуқуқий, гуманитар, ижтимоий, табиий фанлар бўйича қатор электрон ресурсларни нашр этади. Мутахассисликлар бўйича асосий ресурслар рўйхати:

<p>Санъат ва архитектура: Benezit Dictionary of Artists Berg Fashion Library Grove Art Online Oxford Bibliographies Oxford Journals Humanities Collection Very Short Introductions Online</p>	<p>Биографик нашрлар: Oxford Dictionary of National Biography Who's Who and Who Was Who Online Very Short Introductions Online</p>
<p>Бизнес ва бошқарув: International Commercial Arbitration International Commercial Law Oxford Bibliographies Oxford Handbooks Online University Press Scholarship Online Very Short Introductions Online</p>	<p>Қадимги дунё тарихи ва археология: Oxford Bibliographies Oxford Handbooks Online Oxford Journals Humanities Collection University Press Scholarship Online Very Short Introductions Online</p>

<p>Иқтисод ва молия: Oxford Handbooks Online Oxford Journals Social Sciences Collection Oxford Scholarly Editions Online University Press Scholarship Online Very Short Introductions</p>	<p>Таълим ва педагогика: Oxford Bibliographies University Press Scholarship Online Very Short Introductions Online</p>
<p>Радио, телевидение ва кино: Oxford Bibliographies University Press Scholarship Online Very Short Introductions Online Who's Who and Who Was Who Online</p>	<p>Тарих: Electronic Enlightenment Oxford Bibliographies Oxford Dictionary of National Biography Oxford Handbooks Online Oxford Historical Treaties Oxford History of Western Music Oxford Journals Humanities Collection Oxford Reference Oxford Scholarly Editions Online University Press Scholarship Online Very Short Introductions Online Who's Who and Who Was Who Online</p>
<p>Тил ва лингвистика: Oxford Bibliographies Oxford Dictionaries Oxford English Dictionary Oxford Handbooks Online Oxford Journals Humanities Collection Oxford Reference Oxford Scholarly Editions Online University Press Scholarship Online Very Short Introductions Online</p>	<p>Юриспруденция ва ҳуқуқ. Financial and Banking La International Commercial Arbitration International Commercial Law Investment Claims Max Planck Encyclopedia of Public International Law Oxford Bibliographies Oxford Competition Law Oxford Constitutions of the World Oxford Handbooks Online Oxford Historical Treaties Oxford Journals Law Collection Oxford Reports on International Law Oxford Scholarly Authorities on International Law Private International Law University Press Scholarship Online US Constitution Law Very Short Introductions Online</p>
<p>Адабиёт: Electronic Enlightenment Oxford Bibliographies Oxford Handbooks Online Oxford Journals Humanities Collection Oxford Reference Oxford Scholarly Editions Online University Press Scholarship Online Very Short Introductions Online</p>	<p>Математика ва табиий фанлар: Electronic Enlightenment Oxford Bibliographies Oxford Handbooks Online Oxford Journals Mathematics and Physical Sciences Collections Oxford Reference University Press Scholarship Online Very Short Introductions Online</p>

<p>Тиббиёт: AMA Manual of Style Mayo Clinic Toolkit Oxford Journals Medicine Collection Oxford Medicine Online University Press Scholarship Online Very Short Introductions Online</p>	<p>Музыка: Oxford Bibliographies Oxford Handbooks Online Oxford History of Western Music Oxford Journals Humanities Collection Oxford Scholarly Editions Online Grove Music Online University Press Scholarship Online Very Short Introductions Online</p>
<p>Фалсафа: Electronic Enlightenment Oxford Bibliographies Oxford Handbooks Online Oxford Islamic Studies Online Oxford Journals Humanities Collection Oxford Reference Oxford Scholarly Editions Online University Press Scholarship Online Very Short Introductions Online</p>	<p>Политология, дипломатия, халқаро муносабатлар: Electronic Enlightenment Max Planck Encyclopedia of Public International Law Oxford Bibliographies Oxford Historical Treaties Oxford Islamic Studies Online Oxford Journals Social Sciences Collection SIPRI Yearbook Online University Press Scholarship Online Very Short Introductions Online Who's Who and Who Was Who Online</p>
<p>Психология ва нейробиологияМ Oxford Bibliographies Oxford Clinical Psychology Oxford Handbooks Online Oxford Journals Mathematics, Physical Sciences, and Medicine Collections Oxford Medicine Online University Press Scholarship Online Very Short Introductions Online</p>	<p>Диншунослик: Electronic Enlightenment Oxford Biblical Studies Oxford Bibliographies Oxford Handbooks Online Oxford Islamic Studies Online Oxford Journals in Humanities and Social Sciences Oxford Reference Oxford Scholarly Editions Online Social Explorer University Press Scholarship Online Very Short Introductions Online</p>
<p>Ижтимоий фанлар: Berg Fashion Library Encyclopedia of Social Work Oxford Bibliographies Oxford Handbooks Online Oxford Islamic Studies Online</p>	<p>Oxford Journals in Social Sciences : Oxford Reference SIPRI Yearbook Online Social Explorer University Press Scholarship Online Very Short Introductions Online</p>

Oxford Journals Collection

Oxford Journals Collection — 1996 йилдан бошлаб чоп этилган 285 нашрни ўз ичига олган илмий журналлар тўплами бўлиб, сифатли ва фойдали маълумотларни тақдим этади. 1996 йилгача чоп этилган журналлар *Oxford Journals Archive* базасида мавжуд. Бешта мутахассисликка доир журналлар кен қўламдаги долзарб тадқиқотлардан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

Мутахассисликлар: гуманитар фанлар — 77 журнал, ҳуқуқ — 49 журнал, биологик-тиббий фанлар — 102 журнал, математика ва табиий фанлар — 117 журнал, ижтимоий фанлар — 92 журнал.

Oxford Handbooks Online

Oxford Handbooks Online (ОНО) — ижтимоий ва гуманитар фанлар бўйича тақриз қилинган мақолалар тўпламидир. Мазкур тўпланда 325 дан ортиқ маълумотномалар, видео ва расмларга эга бўлган 13 000 дан зиёд мақолалар мавжуд. Мақолалар тақриз қилиниб, босма шакли чиқмасдан олдин онлайн нашр этилиши боис олимлар маълум соҳадаги энг сўнги ютуқлар билан тез танишиб чиқишлари мумкин.

Мутахассисликлар: бизнес ва бошқарув, адабиёт, молия ва иқтисод, мусиқа, тарих, фалсафа, ҳуқуқ, политология, тилшунослик ва психология.

Oxford Reference

Oxford Reference 24 та йўналиш бўйича 2 миллиондан ортиқ рақамланган мақолалардан иборат бўлган Оксфорд университетининг маълумотнома наشري ҳисобланади. Унинг таркибига тақриз қилинган мақолалар, мавзули ҳаволалар (ссылка), иқтибослар (цитата), инглизча луғатлар, икки тилли луғатлар каби бўлимлар киритилган.

Oxford Scholarship Online

Oxford Scholarship Online (OSO) — 10 000 дан зиёд илмий ишлар ва 170 000 донга расмлардан эркин фойдаланиш имкониятини берадиган, кен қўламли ва доимий равишда янгиланадиган кутубхона. Гуманитар, ижтимоий, тиббий, ҳуқуқий ва табиий фанлар бўйича 20 та мавзули модуллардан таркиб топган. Бу ерда 8900 нафар муаллифнинг нашрлари мавжуд. Муаллифлар рўйхати классиклардан бошлаб замонавий муаллифларгача фарқ қилиб, “Нобел” мукофоти совриндорларини ҳам ўз ичига олган.

ОСО қўйидаги имкониятларни тақлиф этади:

— қидирув натижаларини филтрлаш, яъни берилган натижалар шаклини (қисқа ва тўлиқ) танлаш имконияти, очиқ ва ёпиқ тарздаги натижаларнинг тақдимоти;

— мутахассисликлар бўйича қидирув;

— аннотацияларни кўриб чиқиш;

— онлайн ўқиш ва юклаш.

Oxford English Dictionary

Oxford English Dictionary (Oxford English Dictionary) — 600 000 замонавий ва эскирган сўзларнинг талаффузи, маъноси ва тарихи бўйича маълумот беради. Бу ерда 3 миллионга иқтибослар, шунингдек, инглиз нутқининг 1000 йиллик ҳаёт даври мобайнидаги инглиз тили ва айрим инглизча сўзларнинг тарихи акс эттирилган тезаурусдан эркин фойдаланиш имконияти мавжуд. *Oxford English Dictionary*нинг вақт қўламли муайян сўзларнинг мавзу, минтақа ёки келиб чиқишига қараб инглиз тилида қачон пайдо бўлганлигини аниқлашга ёрдам беради. Йилига тўрт мартаба янги ва қайтадан кўриб чиқилган сўз маънолари билан тўлдирилади.

Grove Art Online

Grove Art Online — жаҳон санъатига бағишланган илмий энциклопедия бўлиб, фовизм, Фрида Кало каби турли мавзуларга доир мақолалардан ва тадқиқотни чуқурлаштиришга имкон берувчи библиографик маълумотлардан иборат. 500 000 дан зиёд библиографик ҳаволалар, 45 000 муаллифлик мақолалари, 6000 дан зиёд суратлар, 21 000 расомлар, архитектор, ҳомийлар, коллекторлар, галеристлар, назарийчилар, ёзувчилар, олимлар ва ҳ.к. биографиялари мавжуд. Бу ерда *Sibelius* дастури асосида яратилган 500 дан зиёд мусиқий намуналар воситасида турли мусиқий йўналишлар ва бастакорлар ҳақида тушунчага эга бўлиш мумкин.

Oxford Medicine Online

Oxford Medicine Online – 85 тиббий соҳаларни ўз ичига олган онлайн-ресурслар тўплами. Мазкур ресурс мунтазам равишда янгиланиб, 700 нашр, 40 000 расм, график ва диаграммалар, 750 видеоматериаллар, шунингдек, тест топшириқлари ёрдамида тиббий ходимларнинг билим даражаларини текширишга мўлжалланган вазифаларни ўз ичига олган.

Oxford University Press Law

Oxford Law Online – Оксфорд университетининг ҳуқуқ соҳасига доир барча ресурсларни бирлаштирувчи ягона ахборот манбаи ҳисобланади. *Investment Claims* – мазкур ресурс халқаро инвестицион ҳуқуқ ва ҳакамлик (ҳуқуқ ва арбитраж) соҳасини ўрганиш учун мўлжалланган материаллар ва тақриزلар тўплами ҳисобланади.

Oxford Reports on International Law – ижтимоий ҳуқуқ соҳасидаги халқаро, миллий (ички) ва махсус арбитраж судлар томонидан киритилган қарорлар тўплами. *Max Planck Encyclopedia of Public International Law* – таҳлилий ресурс бўлиб, халқаро ижтимоий ҳуқуқнинг барча жиҳатлари бўйича тақриз қилинган мақолалардан ташкил топган.

SPRINGER SCIENCE AND BUSINESS MEDIA

Табий-илмий ва тиббиёт йўналишидаги китоблар ва академик журналларни нашр қилишга ихтисослашган халқаро ноширлик компанияси ҳисобланади. Компаниянинг географик қамрови нашрларининг дунё илмий ҳамжамиятида тутган ўрнини кўрсатади: у дунё бўйича 40 дан ортиқ офислар ва 8500 дан ортиқ ходимларига эга. 1846 йил, яъни компания ташкил этилган вақтдан бошлаб барқарор ривожланиб, университетлар ва илмий ташкилотларнинг ишончини қозонди. Ҳар йили куйидаги ихтисослашган йўналишларга оид 2900 журнал ва 200 000 китоблар нашр қилади:

Табий фанлар:	Озиқ-овқат ишлаб чиқариш:
Энергетика	Давлат ва ҳуқуқ
Иқтисод	Материалшунослик
Инженерия	Соғлиқни сақлаш
Биотиббиёт	Фалсафа
Бизнес ва бошқарув	Амалий фанлар (математика, физика, биология)
Ижтимоий фанлар	Психология
Кимё	Статистика
Компьютер фанлари	Астрономия
Ер ҳақидаги фанлар ва география	Қишлоқ ҳўжалиги
Таълим ва тилшунослик	
Атроф-муҳит ҳақидаги фанлар ва экология	

SPRINGERLINK платформаси – улкан тармоқли платформа бўлиб, қўлланмалар ва маълумотлар базаси, электрон китоблар, журналлар ва кўрсаткичларнинг тўлиқ тўпламидаги 9 000 000 дан зиёд маълумотлардан эркин ва осон фойдаланиш имконини тақдим этади. Ушбу база 550 000 мақола, 500 000 маълумотнома, лаборатория тадқиқотлари учун 40000 протоколни ўз ичига олади. Ҳар йили 7000 дан ортиқ янги электрон китоблар ва 2000 методик қўлланмалар, ҳар ойда эса 12 000 дан зиёд журнал мақолалари қўшилади.

SPRINGER MATERIALS маълумотлар базаси – жаҳондаги энг йирик физика ва кимёга оид материаллар манбаси ҳисобланади. Минглаб экспертлар томонидан текшириб киритилган, йиғилган маълумотларнинг жаҳондаги йирик манбасидир. 9100 тармоқ ҳужжатлари, 1 000 000 дан ортиқ илмий ҳаволалар, 165 000 дан ортиқ модда қоришмалари, 3000 дан ортиқ хоссалар бўйича маълумотлар, доимий равишда тўлдирилиб, янгиланиб турилади.

Қуйидаги билим соҳаларини қамраб олади:

- Ядро ва атомлардаги зарралар;
- Молекула ва радикаллар;
- Транспорт ва электрон тузилмалар;
- Магнетизм;
- Яримўтказгичлар;
- Юқори ўтказгичлар;
- Кристаллография;
- Термодинамика;
- Кўпфазали тизимлар;
- Перспектив материаллар;
- Астрофизика ва геофизика.

Springer Open — компаниянинг маҳсулоти ҳисобланиб, 500 тадан ортиқ илмий журналлар ва 20 дан ортиқ илмий китоблардан очиқ фойдаланиш имконини яратади. Барча ресурслар соҳаларнинг етакчи эксперт мутахассислари томонидан тақризланади. Кўпгина нашриётлар билан ҳамкорлиги боис Springer Open илмий ходимларга фаннинг барча соҳалари бўйича мақолалар чоп этишга имкон яратади.

BioMed Central — илмий-техник ва тиббиёт соҳаси бўйича 291 та тақризланадиган журналларни чоп этади. Портфолиоси биология, тиббиёт ва биотиббиётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Барча журналлар чоп этилгач, тезлик билан эркин фойдаланишга тақдим этилади.

Chemistry Central — бу кимё фанлари бўйича Springer Science and Business Media компаниясининг эркин фойдаланиш учун тақдим этган платформаси.

Қуйидаги журналларни чоп этади:

- *Applied Petrochemical Research*;
- *Bioresources and Bioprocessing*;
- *Biotechnology for Biofuels*;
- *BMC Biotechnology*;
- *International Journal of Food Contamination*;
- *International Journal of Industrial Chemistry*;
- *Journal of Analytical Science and Technology*;
- *Journal of Nanobiotechnology*;
- *Journal of Nanostructure in Chemistry*.

NATURE PUBLISHING GROUP КОМПАНИЯСИ

Nature Publishing Group (NPG) компанияси — табиий фанлар, жумладан, биология, кимё, тиббиёт, биотиббиёт, атроф муҳит, физика ва материалшунослик бўйича илмий кашфиётлар ва тадқиқотларни нашр қилувчи энг йирик нашриёт уйларида бири (Буюк Британия). Компания номи иккита йирик компаниялар — Nature American ва Macmillan Publishers Limitedларнинг бирлашувидан ҳосил бўлган.

Компания қадимий тарихга эга. 1869 йилда астрофизиклар Томас Генри Хаксли ва Норман Локер Александр Макмилланни "Умумий илмий журнал" чоп этишга кўндиришди. Натижада, House of Macmillan нашриёти "Nature" деб номланган ҳафталик иллюстрацияланган илмий журнални чоп этди. 1897 йилда журнал биринчилардан бўлиб Джозеф Томпсон томонидан электрон кашф этилганлигини ёзган. Шу вақтдан бошлаб энг муҳим илмий техник кашфиётлар ҳақидаги хабарлар айнан шу журналда чоп этилади.

Бугунги кунда мазкур нашриёт 120 дан ортиқ ўзининг ва бошқа ҳамжамиятлар билан ҳамкорликдаги илмий журналларини чоп этади. Энг машҳур журналларидан бири бу — "Nature" журнали.

PROQUEST

ProQuest компанияси барча тадқиқотчилар, илмий ходимлар, олий таълим муассасалари, кутубхоналарга ахборот контенти бўйича фанни ривожлантириш йўлида фаолият юратади. ProQuest илмий диссертация ва тезисларни чоп этишда етакчи ҳисобланади. ProQuest маълумот базаларида илмий билимлар замонвий мультимедиа контентида тақдим этилиб, маълумотларни қидириш борасида қулай сервис, шунингдек, янги платформанинг бир қатор имкониятлари мавжуд.

ProQuest® Congressional Hearings Digital Collection – АҚШ Конгрессида тингланган материалларнинг чоп этилгани ва чоп этилмаганларидан фойдаланишга имкон яратади. Американинг давлат сиёсатини шакллантириш билан боғлиқ ноёб ҳужжатлар, шунингдек, бу масалаларда Конгресснинг роли ҳақида объектив маълумотларни тақдим этади.

Коллекция турли хил соҳаларга оид қимматли илмий ахборот, сиёсий таҳлиллар ва илмий тадқиқотларнинг муҳим манбаси ҳисобланади:

Афро-америка тадқиқотлари;
Қишлоқ ҳўжалиги;
Бизнес;
Иқтисод;
Таълим;
Соғлиқни сақлаш;
Халқаро муносабатлар;
Қонунчилик;
Халқаро муносабатлар;
Сиёсат;
Фан ва технологиялар.

Куйидаги майдонлар бўйича кенгайтирилган қидирув:
Bibliographic numbers (SuDoc or CIS accession number; Committee);
Hearing numbers (where available);
Legislative numbers (bills, public laws, and Statutes at Large citations);
Subject terms (controlled vocabulary);
Title (hearing title or insertion title);
Witness name;
Witness affiliation.
Мақсадли аудитория

PROQUEST RESEARCH LIBRARY

ProQuest Research Library – ProQuestнинг кенг қамровли маълумот базаларидан бири, 5000 дан зиёд номдаги, 4000 вақтли нашрлар, улардан 3600 тўлиқ матнли нашрларни ўз ичига олади. 150 фанга оид турли хил авторитет илмий, тармоқ ва оммабоп журналларни ўз ичига олади. Шунингдек, маълумот базасига газеталар ва маълумотнома нашрлар киритилган. ProQuest Research Library икки компонентдан иборат – вақтли нашрларнинг рўйхати ва 15 та қўшимча тематик модуллар:

Санъат
Бизнес
Болалар
Таълим
Умумтаълим материаллари
Соғлиқни сақлаш
Гуманитар фанлар

Дунё мамлакатлари
Юриспруденция
Ҳарбий иш Маданиятлар турли-туманлиги
Психология
Фан
Ижтимоий фанлар
Аёллар учун материаллар

Бу тадқиқот институтларининг кутубхоналар, ўқув муассасалари учун маълумот базаси мавжуд бўлиб, умумтаълим материалларни, махсус манбаларни ўз ичига олади. Қидирув учун қулай интерфейс асосий вақтли нашрлар, тематик модуллар бўйича бир вақтнинг ўзида максимал тўлиқ натижа олишга имкон яратади.

ProQuest Research Library 150 базавий академик фанлар бўйича ташқи веб-сайтлар ҳаволаларига эга.

PROQUEST TECHNOLOGY COLLECTION

ProQuest инновацион платформасида фойдаланиш мумкин бўлган ахборот ресурси бўлиб, бешта кучли мавзувий маълумот базасини ўз ичига олади:

ProQuest Illustrata Technology;
ProQuest Advanced Technologies Database with Aerospace;
ProQuest Materials Research Database with METADEX;
ProQuest Engineering Research Database;
ProQuest Computer Science Collection.

ProQuest Technology Collection маълумотлар базаси:

3500 дан зиёд тўлиқ матнли илмий журналлар 1962 йилгача бўлган архиви билан; 50% дан зиёд мазмуни тақризланган журналлар;

30 млн.дан ортиқ мазкур тематиканинг турли аспекти бўйича ортиқ библиографик ва рефератив ҳужжатлар;

Илмий мақолалардан 10 млн.дан зиёд максимал аниқ тематик қидирув учун мўлжалланган иллюстрациялар (жадвал, графиклар, фотосуратлар, карталар ва бошқалар).

Тўлиқ матнли илмий журналлар бутун дунё бўйича техника фанлари инженерлик иши бўйича юқори технологиялар, шунингдек, материалшунослик, компьютер фанлари, физика, кимё, математика, машинасозлик, нанотехнологиялар, электроника, телекоммуникация, аэрокосмик тадқиқотлар ва бошқа кўплаб фанлар бўйича ахборотларни ўз ичига олади.

"DIGITAL DISSERTATIONS AND THESES"

Digital Dissertations and Theses — рақамли диссертациялар ва тезислар

"Digital Dissertations and Theses" — бу 80 нафар университетларнинг докторлик ва магистрлик диссертацияларининг электрон шаклдаги тўплами.

Ушбу коллекция дунёдаги энг тўлиқ диссертациялар ва авторефератлар тўплами ҳисобланади. Мазкур маълумотлар базасида жаҳондаги турли хил университетларнинг 1,7 мингдан ортиқ муаллифлари ишлари ўрин олган.

- *Ҳаммаси бўлиб 2,9 млн. атрофидаги тадқиқотлар*
- *1,2 млн.дан ортиқ PDF форматида тўлиқ матн базаси*
- *Маълумотлар базаси ҳар ҳафта тўлдириб борилади*
- *Ҳар йили 70 000 дан ортиқ ҳужжатлар билан бойитилади*
- *Архивида 1637 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган маълумотлар қамраб олинади*
- *Рус тилидаги интерфейс*

Online равишда рус тилига бошланғич 24 бетни таржима қилиш имконияти мавжуд, шунингдек, тез кунда Хитойдан 500 000 та диссертация олиниши режалаштирилган.

ProQuest диссертация ва тезислар маълумотлар базасини тўлиқ ва алоҳида томларда олиш мумкин:

Том А — умумий ва гуманитар фанлар бўйича диссертациялар;

Том В — аниқ ва техник фанлар бўйича диссертациялар.

ProQuest диссертация ва тезислар маълумотлар базасидаги барча билим соҳалари замонавий мультимедиа контентларда жойлашган бўлиб, илмий материалларга юқори сифатли даражада киришни таъминлайди, қидирув натижалари билан ишлаш хизматларини ва янги ProQuest платформасидаги бошқа ноёб имкониятларни тақдим этади. Кириш имконияти IP адрес орқали чегараланмаган ҳолда ва бир вақтнинг ўзида бир қанча фойдаланувчилар кириш имконияти мавжуд. Шу билан бирга, нусха олиш, сақлаш ва ахборотларни чоп этиш имкониятларига эгадир.

Диссертациялар маълумот базалари ҳақидаги ахборотлар ProQuest сайтининг Products & Services: www.ProQuest.co.uk бўлимида жойлаштирилган.

PROQUEST EDUCATION JOURNALS – PROQUEST ЖУРНАЛЛАРИ

ProQuest Education Journals – бошланғич, ўрта, олий, махсус ва қўшимча таълим соҳаларига доир барча фанларга оид ахборотларни ўз ичига олган тўлиқ матнли маълумотлар базаси ҳисобланади. Бундан ташқари, маълумотлар базасида тарих, назария, ўқитиш методологияси, таълим лойиҳалари ва инновацияларига оид маълумотлар ҳам жамланган. Фанлараро характерга эга бўлган мақолалар кенг тақдим этилган: таълим психологияси, таълим социологияси, билимлар социологияси, таълим сиёсати, таълим менеджменти ва ҳоказолар.

Таълимнинг кўргазмали тизимга доир маълумотлар ҳам жамланган: адабиёт, тил, биология, география, математика физика, санъат, жисмоний тарбия ва ҳ.к.

Маълумотлар базаси таркиби:

✓ Жаҳон бўйлаб нашр этилаётган 900 дан ортиқ илғор журналлар, улардан 600 таси тўлиқ матнли;

✓ Ассоциациялар, илмий уюшма ва институтлар томонидан нашр этилаётган, 140 та соҳалараро нашрлар, масалан: American Annals of Death, Child Health Alert, Computers in Education, Learning and Training Innovation, Media and Methods;

✓ Childhood Education, College Teaching, Harvard Educational Review, Journal of Athletic Training, Educational Theory, Quality in Higher Education каби журналларнинг минглаб тўлиқ матнли мақола ва иллюстрациялари билан яқиндан танишишни таъминлайди.

✓ Таълим фанларига қаратилган схемалар, жадваллар, диаграммалар ва бошқа график элементлар келтирилган;

✓ Маълумотлар базаси 1991 йилдан бошлаб шакллантирилган;

✓ Рус тилидаги интерфейс, чет тилидаги мақолаларнинг рус тилидаги компьютер таржимаси, содда ва қўлай қидирув тизими, қидирув натижаларини сақлаш, қозғоғга чиқариш, жўнатиш имконияти каби қўлайликлар ресурсдан ўқув жараёни ва илмий ишларда фойдаланишда ўқитувчилар ҳамда илмий ходимлар, талабалар ва докторантлар, таълим соҳасидаги менежерлар учун жуда қўл келади.

http://www.ProQuest.co.uk/enUK/catalogs/databases/detail/pq_ed_journals.shtml

ProQuest Education Journals маълумотлар базаси ҳақида батафсил маълумот

<http://ProQuest.com/tls/servlet/ProductSearch?platformID=1&externalID=7262&vdlID=1>

ProQuest Education Journals маълумотлар базаси журналларининг тўлиқ рўйхати:

ProQuest Psychology Journals – ProQuest Психология Журналлари

ProQuest Psychology Journals – психология ва у билан боғлиқ фанлар: ижтимоий психология, когнитив психология, хулқ-аъвоқ фанлари, таълим психологияси, алоқа психологияси, неврология, ривожланиш психологияси, ёш даврлар психологияси, шахс психологияси, психометрия, психобиология, тажрибавий, клиник ҳамда назарий ва амалий психология каби фанларга оид ахборотларни ўз ичига олган тўлиқ матнли маълумотлар базаси ҳисобланади.

ProQuest Psychology Journals таркиби:

✓ Жаҳон бўйлаб нашр этилаётган 640 номдаги соҳага оид журналлар;

✓ 540 тўлиқ матнли журналлар, масалан:

The American Journal of Psychiatry

Psychotherapy and Psychosomatics

The American Journal of Geriatric Psychiatry

Development and Psychopathology

The Psychological Record

Educational Psychology

Early Childhood Education

Educational and Psychological Measurement

✓ 50% дан ортиқ журналлар тақризланади ва юқори мурожаатлар даражасига эга;

- ✓ Маълумотлар базаси 1971 йилдан бошлаб шакллантирилган;
- ✓ Турли давлатларнинг университет ва коллежларида ҳимоядан ўтган 5200 тўлиқ матнли диссертациялар сақланади. Хронологик қамрови – 2000-2006-йй;
- ✓ Психологик ассоциациялар, педагогик университетлар, клиникалар ва шу каби ташкилотлар томонидан нашр этиладиган соҳага оид адабиётлар.

ProQuest Research Library – ProQuest илмий тадқиқот ишлари кутубхонаси

ProQuest Research Library – ProQuestнинг умумий таълимга оид улкан маълумотлар базаси ҳисобланиб, унинг таркибида 5000 номдаги ҳужжатлар, жумладан, 4000 (улардан 3600 таси тўлиқ матнли) даврий нашрлар жойлашган. Ушбу маълумотлар базасида 150 та фанга тегишли турли илмий, соҳавий ва оммабоп журналлар тақдим этилган. Бундан ташқари, маълумотлар базасида газета ва маълумотнома нашрлар ҳам жамланган. ProQuest Research Library икки компонентдан ташкил топган даврий нашрларнинг таянч рўйхати ва 15 та қўшимча тематик модуллар қуйидагилар:

Санъат;	Жаҳон давлатлари;
Бизнес;	Ҳуқуқшунослик;
Болалар;	Ҳарбий иш;
Таълим;	Турли-туман маданиятлар;
Умумтаълим материаллари;	Психология;
Соғлиқни сақлаш;	Фан;
Гуманитар фанлар;	Ижтимоий фанлар;
	Аёллар учун материаллар.

Бу база илмий тадқиқот институтлари, кутубхоналар, ўқув муассасалари учун жуда қўл келади, чунки унга нафақат умумий таълимга оид материаллар, балки тадқиқотчиларга мўлжалланган махсус манбалар ҳам киритилган. Фойдаланувчилар учун асосий даврий нашрлар ва тематик модуллар бўйича қулай қидириш интерфейси кўзда тутилган. У бир вақтнинг ўзида тезда тўлиқ натижа олиш ва қидиришни максимал аниқлаштириш имконини беради. ProQuest Research Libraryдан 150 та академик фанларга оид ташқи ҳаволалар ҳам кенг ўрин олган.

ProQuest Technology Collection

5 та кучли тематик маълумотлар базасини ўз ичига олган янги ахборот ресурслари ProQuestнинг инновацион платформасида жойлашган:

- ✓ ProQuest Illustrata Technology;
- ✓ ProQuest Advanced Technologies – Database with Aerospace;
- ✓ ProQuest Materials Research Database with METADEX;
- ✓ ProQuest Engineering Research Database;
- ✓ ProQuest Computer Science Collection.

ProQuest Technology Collection қуйидагилардан иборат:

– 3500 дан ортиқ илмий журналларнинг 1962 йилгача тўпланган тўлиқ матни. 50 фоиздан ортиқ тақризланган журналлар.

– 30 млн.дан ортиқ барча турдаги ҳужжатларнинг библиографик ва реферат маълумотлари.

– 10 млн.дан ортиқ илмий мақолаларнинг (жадваллар, графикалар, фотосуратлар, карталар ва бошқалар) иллюстрацияси (аниқ қидириш имкониятини яратиш мақсадида чуқурлашган индекслаштирилган кўринишда олиш учун):

Журналларнинг тўлиқ матни;
Жадваллар ва шакллар;
Библиографик тезислар.

LITERATURE ONLINE (LION)

Literature Online (Online адабиёт) — жаҳоннинг етакчи инглиз тилидаги маълумотлар базаси бўлиб, ушбу маълумотлар базаси инглиз тили ва адабиётини ўргатиш ва ўрганиш учун мўлжалланган.

Шу қаторда **Literature Online** (Online адабиёт) жаҳон инглиз тили адабиёти, инглиз тили ва жаҳон классик адабиётидаги тадқиқот ишлари учун ахборот етказиб беради.

Ушбу маълумотлар базаси ўзида асарларнинг, илмий мақолалар, муаллифларнинг биографияси, луғатларнинг тўлиқ матнларини, медиа, видео контент ва веб-сайтларга берилган ҳаволаларни ҳамда аниқ мавзулар бўйича кейс машғулотларини жамлайди.

Literature Online (Online адабиёт) — бу LION (Literature Online) ахборот манбаини ўз ичига олган тўлиқ интеграллашган тизим бўлиб, ахборотларни тез ва сифатли қидирув механизмига эга:

✓ Ниҳоятда катта тўлиқ матнга эга бўлган кутубхона — 357 000 дан ортиқ дунёвий инглиз классик адабиёти асарларидан (VII асрдан бошлаб ҳозирги кунгача) ташкил топган бўлиб, проза, поэзия, драма, фантастика, танқид ва маълумотнома коллекцияларини ўз ичига олади.

Editions and Adaptations of Shakespeare (Шекспир нашрлари) — XVII-XVIII асрлар орасидаги Шекспирнинг асосий 11 та ижодий асарлар тўплами, замонавий нашрдаги 24 та пьесаси, 100 дан ортиқ асарларини ўз ичига олади.

✓ 500 дан ортиқ муаллифларнинг биографияси;

330 дан ортиқ лингвистика ва филология фанларига тегишли етакчи мактаб, университетларнинг филология, лингвистика, маданиятшунослик кафедралари, ассоциациялар ва ташкилотлар журналларининг тўлиқ матни мавжуд. Журналларнинг 75% қисми пуллик ҳисобланади.

✓ Авторитет библиографик манба — бу инглиз тили ва адабиётининг йиллик ҳисобнома, 1920 йилдан буён йиғиб қелинаётган 70 дан ортиқ рақамлаштирилган томлардан, 950 000 та библиографик ёзувлардан иборат бўлиб, шу давр ораллигида ёзилган инглиз адабиёти ва инглиз тили мавзусидаги илмий ишларни ўз ичига олади.

✓ Замонавий тил ассоциациянинг халқаро библиографияси (Modern Language Association (MLA) International Bibliography) — доимий равишда ёзиб бориладиган 4400 та илмий журнал мақолаларининг библиографик маълумотлар базасига киришни таъминлайди. Тематика — бу тарих, тил назарияси ва адабиёти, тилшунослик таҳлили, синтаксис, морфология, семантика, семиотика, социология тили, таржимонлар учун лингвистика ва бошқаларни ўз ичига олади.

✓ Луғат ва энциклопедиялар:

The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms (Oxford бадий терминлар луғати);

The New Princeton Encyclopedia of Poetry and Poetics (шеър ва шеърятнинг янги энциклопедияси);

Webster's Third New International Dictionary (Websterнинг учинчи янги халқаро луғати).

✓ 5250 — веб-ҳаволалар профессионал фойдаланувчиларга қўшимча фойдали материаллар олиш учун мўлжалланган: илмий мақолалар, алоҳида муаллифларнинг нашрлари, илмий дискуссиялар, нашр этилмаган бадий асарлар, муаллифлар ҳақида ахборотлар.

✓ Видеолавҳалар — 900 та видеолавҳаларда таниқли Британия актёрлари классик шеърят асарларини ўқишади. Булар Шекспир сонатаси ва замонавий муаллифларнинг асарларидир.

✓ Шекспир пьесалари аудио тўплами — ушбу тўпلام Британиянинг таниқли актёрлари томонидан овозлаштирилган.

EBSCO INFORMATION SERVICES

Дунёдаги энг йирик компаниялардан бири бўлиб, таълим ва илмий фаолият учун ахборотни етказиб берувчи илгор таъминотчи ҳисобланади. Ўз фаолиятини 1944 йилдан бери олиб боради. Кўплаб йирик давлат ва университет қошидаги кутубхоналар, ахборот марказлари, Европа, АҚШ ва бошқа мамлакатлар йирик ташкилотларининг ҳамкоридир.

Бугунги кунда EBSCO — бу:

- 375 дан ортиқ билимнинг барча соҳаларини қамраб олувчи тўлиқ матнли маълумот базалари;
- 300 000 дан ортиқ аудиокитоб ва электрон нашрлар;
- дунё бўйича 50 000 га яқин мижозлар;
- *Library Journal* маълумотларига кўра, АҚШнинг академик ва оммавий кутубхоналари сўровида

EBSCO маълумот базалари энг яхши деб тан олинган. Асосий йирик базалари қуйидагилардир:

Business Source Complete — ўз ичига тўлиқ матн ва библиографик маълумотларнинг кенг коллекцияси — бизнесга оид илмий маълумотлар базасини олган. Бу маълумотлар базаси тавсия этадиган муҳим илмий журналларнинг кўрсаткич ва маълумотлари 1886 йилдан то бугунги кунгача мuddатни қамраб олади. Бундан ташқари, 1300 журналларнинг қидирув имкониятига эга ҳаволалар берилган.

Academic Search Premier — ушбу мултидисциплинар маълумотлар базаси 4600 дан зиёд журналларнинг тўлиқ матнларини ўз ичига олади. Булардан 3900 га яқин номдагилари олдиндан тақризланган. 1975 йилдан ҳозирги вақтга қадар 100 дан ортиқ журналларнинг PDF форматидаги нусхалари шакллантирилган.

Newspaper Source — кундалик газеталарнинг маълумот базалари. Америка минтақавий ва халқаро газеталарнинг танланган мақолалари тўлиқ матндан, ахборот агентликлари шарҳи (USA today, Christian Science Monitor va Times (London)дан эркин фойдаланишга имкон яратади. Маълумотлар банки 240 дан зиёд газета ва бошқа манбаларнинг тўлиқ матнларини қамраб олади.

Health Source — Consumer Edition — тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги мутахассислар, илмий ходимлар ва ишчилар (хусусан, ҳамширалар) учун мўлжалланган мазмунли ахборот ресурси ҳисобланган маълумотлар базаси.

Masterfile Premier — универсал контентнинг кўп профили базаси, илмий ва илмий-оммавий журнал нашрларининг библиографик ҳаволалари, реферат ва тўлиқ матнларидан фойдаланишга имкон яратади. Умумий йўналишдаги фан соҳалари бўйича тўлиқ матнга эга маълумотномалар, биографиялар, тасвир, карталар, байроқларнинг коллекцияларини қамраб олади.

MEDLINE — тиббиёт бўйича тўлиқ маълумотлар базаси. MEDLINE тиббиёт бўйича, жумладан, касалларни парвариш қилиш, стоматология, ветеринария, соғлиқни сақлаш тизими ва ҳ.к. бўйича кенг қамровли ахборотни ўз ичига олади.

АҚШнинг миллий тиббий кутубхонаси томонидан яратилган энг йирик тиббий журналларнинг библиографик маълумотлар базаси.

Alt health Watch — Холлистик тиббиётга оид маълумотлар базаси. Таъсир соҳалари: Игна билан доволаш, Ароматерапия, Мануал терапия, Хитой тиббиёти, Гомеопатия.

Dentistry and Oral Science Source — Тиббиёт. Стоматология соҳасидаги тадқиқотчилар, ўқитувчилар, талабалар ва шифокорлар учун мўлжалланган. Косметик стоматология, анатезиология, болалар стоматологияси ва шу каби соҳаларни ўз ичига олади.

Dynamed — Тиббиёт ходимларига мўлжалланган минглаб мавзуларни қамраб олган клиник маълумотлар.

Global Health — Соғлиқни сақлаш соҳасидаги мутахассисларга оид оммабоп маълумотлар базаси.

International Pharmaceutical Abstract — дори-дармонлар терапияси ва фармацевтикага доир маълумотлар базаси.

Green File — атроф-муҳит, қишлоқ ҳўжалиги, экотизимлар ва шу каби мавзуларга оид илмий ва илмий-оммабоп ресурслар тўплами.

Green File — атроф-муҳит, қишлоқ ҳўжалиги, экотизимлар ва шу каби мавзуларга оид илмий ва илмий-оммабоп ресурслар тўплами.

Art and Agritecture Complete — санъат, рассомчилик ва архитектура соҳалари: қадимийлик, археология, презервация технологиялари, декоратив ва график санъат, интерер ва ландшафт дизайн, фотосурат, ҳайкалтарошлик ва ҳ.к.

Energy and Power Source — энергетика, газ ва нефт соҳасидаги мутахассислар, ишчилар ва илмий ходимлар учун мўлжалланган тўлиқ матнли ахборот ресурси.

Engineering Source — барча мутахассисликдаги муҳандисларга оид маълумотлар базаси (дарсликлар, маълумотномалар, мултимедиа қўлланмалари, илмий журналлар).

Garden, Landscape and Horticulture Complete — ботаника, боғбончилик ва ландшафт дизайн бўйича маълумотлар базаси.

Health Source: Nurceuing/Academic Edition — соғлиқни сақлаш соҳасидаги мутахассислар, илмий ходимлар ва ишчилар (хусусан, ҳамширалар) учун мўлжалланган мазмунли ахборот ресурси.

Hospitality and Tourism Complete — туризм ва меҳмонхона бизнесининг илмий ва услубий асосларига оид маълумотлар базаси.

Humanities Full Text (H.W.Wilson) — гуманитар фанлар бўйича маълумотлар базаси.

International Political Science Abstracts — сиёсий фанлар бўйича тадқиқотчиларга мўлжалланган маълумотлар базаси.

Legal Collection — ҳуқуқшунослик фанларига мансуб улкан маълумотлар базаси.

Library and Unformation Science Source — ахборот ва кутубхона фаолияти ривожланишининг илмий ва амалий томонларига оид маълумотлар базаси.

Masterlife Complete — бир хил йўналишдаги юқори рейтингли нашриётларнинг катта миқдордаги тўлиқ матнли журналларини ўз ичига олган тўплам.

Middle Eastern and Central Asian Studies — Яқин Шарқ ва Ўрта Осиёдаги мамлакатлар ва одамлар ҳақидаги сиёсий ва ижтимоий маълумот.

Newspapers Source — ушбу тўплам АҚШнинг 45 дан зиёд миллий ва халқаро газеталарини, CBS News, CNN, Fox News ва бошқа шу каби каналларнинг телерадио янгиликларини ўз ичига олади.

Petroleum Abstracts Tulsa Database — нефт ва газ саноати мутахассисларига мўлжалланган турли хил илмий ресурслар (илмий журналлар, мақолалар, қўлёзмалар, маълумотномалар).

Polymer Library — пластик, резина, полимер композитлар ва елим каби кимёвий материалларга доир дунёдаги энг улкан маълумотлар базаси. Бу тўпламга илмий журналлар, конференциялар тўпламлари, китоблар, ҳисоботлар ва ҳ.к. киради.

Professional Development Collection — ушбу тўплам таълим ривожланишининг илмий асослари ва амалий жиҳатларига оид 500 дан ортиқ илмий журналларни ўз ичига олади.

Psychology and Behavioural Science Collection — психология бўйича тўлиқ матнли ресурс.

Textile Technology Complete, World Textile — тўқимачилик саноатидаги мутахассислар, олимлар, ўқитувчилар ва талабалар учун мўлжалланган маълумотлар базаси.

Library, Information Science & Technology Abstracts (LISTA) — база кутубхоначилик бўйича кенг қамровли тўлиқ маълумот базасига эга. Кўрсаткич 560 та асосий журналлар, тахминан 50 та нуфузли журналлар ва 125 га яқин танланган журналлар, шунингдек, китоблар, тадқиқотлар бўйича ҳисоботлар, конференция тўпламларини ўз ичига олади. Мазмунан кутубхоначилик иши, классификация, каталоглаштириш, библиометрия, ахборотга бўлган онлайн кириш, ахборот менежменти ва бошқа масалаларни қамраб олади. База 1960 йиллар ўрталарига оид ахборотларни қамраган.

ERIC (Educational Resource Information Center) — таълим масалалари бўйича маълумотлар базаси. Таълим масалаларига оид тўпламлар, илмий журналлар тўпланган.

GreenFILE — мазкур маълумотлар базаси инсоннинг атроф-муҳитга таъсири аспектларини очиб берувчи кенг қамровли ахборот берувчи манба ҳисобланади. Бу экологик қурилишлар, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, қишлоқ ҳўжалигининг ривожланиши, энергия манбаларининг, чиқиндиларни қайта ишлаш ва бошқа бир қатор муаммоларга оид тўлиқ, кенг қамровли ахборот берувчи илмий, оммавий ишларни ўз ичига олади. Маълумотлар базаси 384 000 ёзувли предмет кўрсаткич ва рефератлардан иборат бўлиб, улардан 4700 материал тўлиқ матн билан эркин

фойдаланиш учун қўйилган.

AHFS Consumer Medication Information — бу инглиз ва испан тилларидаги дори махсулотларининг ахбороти бўйича манба ҳисобланади. Соғлиқни сақлаш тизимидаги Америка фармасевтлар жамияти (AHFS) томонидан нашр этиладиган ресурс истеъмолчилар учун тушунарли бўлган тилда ёритилган ахборотни ўз ичига оловчи мингдан ортиқ монографияни қамраб олган.

Regional Business News — бизнесга оид минтақавий нашриётларнинг тўлиқ маълумотлар базасини ўз ичига олади. Регионал Бусинесс Невс 80 дан зиёд АҚШнинг йирик шаҳар ва қишлоқларида чоп этилган минтақавий тўлиқ маълумотлар базасидан иборат.

Business Source Premier — 2300 дан ортиқ бизнесга оид журналларнинг тўлиқ матнли ва 1100 дан ортиқ тақриزلанган нашрларнинг маълумот базалари тўплами. 1886 йилдан бошлаб маълумотларни ўз ичига олган манбаларнинг тўлиқ матни, шунингдек, 1998 йилги манбалардан қидирув учун ҳаволалар тақдим этилган.

Business Source Complete Database

www.ebscohost.com

Business Source Complete — 2500 га яқин тўлиқ матнли журналлардан иборат маълумотлар базаси. Архив кўлами 1886 йилгача. Қўшимча тўлиқ матнли манбалар ўз ичига молиявий маълумотлар, китоб сериялари, монографиялар, маълумотномалар, конференция материаллари, саноятнинг турли соҳалари бўйича ҳисоботлар, бозор таҳлили, мамлакатлар бўйича ҳисоботлар, компания профили, SWOT.

CAB International

CAB Abstracts

<http://www.cabi.org/datapage.asp?iDocID=165>

CAB Abstracts — The World's Leading Agriculture Database — CAB International компанияси технологиялари ва қишлоқ хўжалигига оид халқаро ахборот тизими. 11 минг энг яхши қишлоқ хўжалигига оид журналларга библиографик ёзувлар ва рефератларни ўз ичига олади.

Мавзувий рунклар: экология, табиатни муҳофаза қилиш, ботаника, биология, қишлоқ хўжалиги иқтисоди, ветеринария, ўрмон хўжалиги, мелиорация, ўғитлар, зараркунандалар, ўсимликларни муҳофаза қилиш, боғдорчилик.

AGRICOLA — Agricultural On-Line Access

<http://agricola.nal.usda.gov/>

AGRICOLA — EBSCO платформасидаги АҚШнинг қишлоқ хўжалигига оид ахборот тизими. Қишлоқ хўжалигида оид библиографик ёзувлар ҳамда қишлоқ хўжалиги ва турдош соҳалар бўйича дунёдаги чоп этилаётган нашрларнинг рефератив ҳужжатларини тақдим этади.

• Мавзули рунклар: экология, табиатни муҳофаза қилиш, ботаника, биология, қишлоқ хўжалиги иқтисоди, ветеринария, ўрмон хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқариш, қишлоқ хўжалиги механизацияси, тупроқшунослик, агротехника, қишлоқ хўжалиги мелиорацияси, ўғитлар, зараркунандалар, ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилиш, боғдорчилик, мева етиштириш, сабзавотчилик, чорвачилик, чорвачилик махсулотлари, асаларишунослик, овчилик, балиқ овлаш, балиқчилик, қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш.

• АҚШ Миллий қишлоқ хўжалиги кутубхонаси томонидан 1970 йилдан олиб борилади;

• ҳажми — 4 миллион матн;

• инглиз тилида;

• тўлдирилиши — ҳар кварталда.

AGRI — International Information System for the Agricultural Sciences and Technology <http://www.fao.org/agris>

Қишлоқ хўжалиги соҳаси ва технологияларига оид халқаро ахборот тизими. Қишлоқ хўжалигига оид библиографик ёзувлар ҳамда қишлоқ хўжалиги ва турдош соҳалар бўйича FAOга аъзо мамлакатлар нашрларининг рефератив ҳужжатларини тақдим этади.

Мавзули рукнлари: экология, табиатни муҳофаза қилиш, ботаника, биология, қишлоқ хўжалиги иқтисоди, ветеринария, ўрмон хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқариш, қишлоқ хўжалиги механизацияси, тупроқшунослик, агротехника, қишлоқ хўжалиги мелиорацияси, ўғитлар, зараркунандалар, ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилиш, боғдорчилик, мева етиштириш, сабзавотчилик, чорвачилик, чорвачилик маҳсулотлари, асаларишунослик, овчилик, балиқ овлаш, балиқчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш.

CAMBRIDGE UNIVERSITY PRESS

Cambridge University Press — 1534 йилда ташкил этилган нуфузли университет нашриёти. Лингвистика, иқтисод, молия, менежмент, социология, психология, юриспруденция ва санъат каби махсус фан соҳаларига оид ўқув ва илмий адабиётларни тақдим этади. Фонди 50 000 номдан иборат бўлиб, илмий тадқиқотлар, касбий ривожланишни акс эттирувчи 350 дан ортиқ илмий журналлар, мактаб ўқувчилари учун таълимий ресурсларни ўз ичига олади.

Cambridge Journals Online — фаннинг 25 соҳаси бўйича электрон журналлар коллекцияси. Ҳар йили нашриёт энг сўнгги илмий тадқиқотларни акс эттирувчи 300 дан ортиқ тақриزلанган академик журналларни чоп этади.

Cambridge Books Online

Cambridge Books Online бутун дунёга таниқли Cambridge университети нашриётининг барча соҳалар — табиий фанлар, техника, тиббиёт, гуманитар ва социология фанларига оид китобларни онлайн тарзда тақдим этади. Динамик ва инновацион интернет ресурслар, яъни Cambridge Books Online фойдаланувчиларга илмий тадқиқотлар ва ўқув жараёнларини амалга оширишни қўллаб-қувватлашда янги имкониятларни очиб беради. Cambridge Books Online ўз фойдаланувчиларига:

- ✓ барча фан соҳаларига оид 15 000 дан ортиқ электрон китоблар;
- ✓ янги келиб тушаётган адабиётлар ва архив материаллари;
- ✓ энг янги китоблар ва энг кўп номда сўраладиган адабиётлар;
- ✓ аниқ бир соҳа бўйича коллекциялар (Predefined Collections) тақдим этади. Бунда ҳар ойда янги номдаги адабиётлар қўшилиб борилади. Барча электрон шаклдаги китоблар PDF форматда MARC 21 форматдаги ёзувлари билан кутубхона каталогларини яратиш учун тақдим этилади.

<http://ebooks.cambridge.org/>

Cambridge Law Reports — юриспруденцияга оид асосий маърузаларга, шу жумладан, ҳуқуқ бўйича халқаро маърузаларга кириш имкониятини яратади.

Cambridge Companions online (Online Cambridge ҳамкорлиги) бу "Cambridge Хрестоматияси"нинг таниқли электрон версиясидир. Коллекцияда адабиёт, фалсафага, шунингдек, дин, маданият ва мусиқага оид мумтоз тадқиқотлар, материаллар йиғилган. Машҳур ёзувчи, мусаввир, файласуф ва мусиқачилар ижоди жонли, қулай кўринишда тақдим этилган. Ушбу коллекциялар талаба ҳамда олимлар учун ниҳоятда қизиқарли ресурслардан биридир.

Online Cambridge коллекциялари:

- ✓ 450 томдан ортиқ бўлиб, маълумотлар базаси доимий равишда янгиланиб туради;
- ✓ Қидирув тизими муаллиф, номи, сарлавҳа ёки мавзу бўйича амалга оширилади;
- ✓ Интерфейс қидирув натижаларини сақлаш, танланган матнларни белгилаш ва фойдаланувчининг индивидуал рўйхатини тузиш имкониятини беради;

- ✓ Библиографик ёзувлар MARC форматда яратилган.

Бунда тўлиқ коллекциялар ҳамкорлиги, шунингдек, фан соҳаларига оид коллекциялар:

- ✓ Адабиёт ва мумтоз коллекциялар;
- ✓ Фалсафа, дин ва маданиятга оид коллекциялар;
- ✓ Cambridge мусиқа коллекцияларига эга бўлиш имконияти мавжуд.

Cambridge Histories Online (Online Cambridge тарихи) — энциклопедик характерга оид ноёб китобларнинг йиғиндиси бўлиб, улар мамлакат, ўлка, қитъа, цивилизация, асрлар тарихи, шунингдек, жамият турмуши, дини, фани, адабиёти ва санъати тарихини ўз ичига олади.

Cambridge Histories Online (Online Cambridge тарихи) коллекцияси 300 томдан ортиқ бўлиб, архиви 1960 йилдан бугунги кунгача бўлган материалларни қамраб олади. Мукамал қидирув

тизимига эга бўлиб, тармоқ орқали (web) кириш имконияти мавжуд. Барча нашрлар мавзулар бўйича гуруҳлаштирилган (классификациялаштирилган) бўлиб, керакли маълумотни тез ва осон топишга ёрдам беради.

Аниқ ва кенг қамровли библиография ва бир қанча бошқа фойдали функциялар ушбу ресурслар билан ишлашни ниҳоятда қулайлаштиради. Cambridge Histories Online (Online Cambridge Тарихи) ҳар қандай тарихий тадқиқотлар турига мос келиб, унда икки турдаги нашрлар мавжуд:

✓ Дунё мамлакатларининг сиёсий ва иқтисодий тарихига тегишли нашрлар: Histories of China, Histories of Japan, Histories of Africa, Histories of Latin America, Histories of Islam, Histories of Iran, Histories of Russia ва б.

✓ Тарихнинг бошқа тармоқлари: The Cambridge History of Renaissance Political Thought, Cambridge Modern History, the Cambridge History of English Literature, the Cambridge Medieval History, the Cambridge Ancient History, The New Cambridge History of India: The Mughal Empire, The Cambridge History of the Book in Britain, The Cambridge History of Victorian Literature, The Cambridge History of Musical Performance ва б.)

Маълумотлар базаси доимий равишда янги нашрлар билан тўлдириб борилади. Cambridge Histories Online (Online Cambridge тарихи) – ноёб динамик ресурс бўлиб, янги материаллар босмадан чиқиши биланоқ маълумотлар базасига келиб тушади. http://histories.cambridge.org/public_home

Shakespeare Survey Online (Online Шекспир Сўровномаси). Ииллик Shakespeare Survey Online (Online Шекспир Сўровномаси) нашри 1948 йилдан нашр этиб келинади. Ҳар бир нашр аниқ бир мавзу, пьеса ёки пьесалар тўпламига бағишланади ва нашр мақолалари ўзининг шарҳига ва Шекспирнинг Буюк Британиядаги замонавий сахна кўринишлари ҳақидаги танқидий материалларига эга бўлади. Shakespeare Survey Online (Online Шекспир Сўровномаси)нинг электрон коллекцияси бой иллюстрацияга яъни кўпгина ноёб сурат, расм, портретларга эга бўлиб, унинг маълумотлар базасига алоҳида Online Cambridge Коллекциялар платформаси ёрдамида кириш имконияти мавжуд.

Shakespeare Survey Online (Online Шекспир сўровномаси):

- ✓ 64 томдан иборат;
- ✓ Архиви 1948 йилдан бошланган;
- ✓ Оригинал босма нашрга тўлиқ мос тушади;
- ✓ Қулай интерфейс ва мукамал қидирув тизимига эга бўлиб, IP адрес орқали кириш имконияти мавжуд бўлиб, ҳар бир фойдаланувчининг қидирув натижаси сақланади.

<http://www.cambridge.org/online/cco.htm>

University Publishing Online – Cambridge University Press компанияси дунёнинг бошқа нуфузли университетларининг нашриётлари билан ҳамкорлик қилиб бутун дунёдан илмий асарларни бир тўпламга йиғади. Бунга қуйидаги нашриётлар ишлари киради: Emirates Center of Strategic Studies and Research, American Mathematical Association, Edinburgh University Press, Liverpool University Press, Royal Economic Society, Acumen Publishing, The University of Adelaide, Boydell&Brower, Anthem Press ва бошқалар.

WILEY

Wiley (АҚШ) – халқаро ташкилот бўлиб, академик адабиётлар, тиббиёт ходимлари, олимлар, тадқиқотчилар, мутахассислар, олий ўқув юртлири талабалари ва ўқитувчилари учун адабиётлар, китоб, журнал, энциклопедияларнинг босма ва электрон шакллари нашр этишда ихтисослашади, шунингдек, Интернет маҳсулотлари ва хизматларидан эркин фойдаланишни тақдим этади. Компания 800 дан ортққ илмий жамиятлар билан ҳамкорлик қилиш орқали 4 000 000 мақола, 1500 журнал, 9000 китоб ва юзлаб китоблар серияларидан эркин фойдаланиш имконини яратади.

Қуйидаги соҳаларни қамраб олади:

Тиббиёт, ҳамширалик ва стоматология;	Таълим ва педагогика;
Қишлоқ хўжалиги;	Мухандислик фанлари ва материалшунослик;

Бухгалтерия ва молия;	Юридик фанлар;
Санъат ва архитектура;	Табиий фанлар;
Бизнес ва менежмент;	Математика ва статистика;
Кимё;	Физика ва астрономия;
Компьютер фанлари;	Психология;
Туризм, меҳмонхона ва кулинария;	Ветеринария;
Ер ва атроф-муҳит ҳақидаги фанлар;	Тилшунослик.
Иқтисод;	

ILEY компаниясининг маҳсулотлари:

FOR Dummies – энг оммабоп китоб сериялари маълумотномалари бўлиб, 1600 номдаги 200 миллион китобларни ўз ичига олади. Мутахассисликларнинг қамров соҳалари: рақамли фотосурат, фитнес, овқат ва ичимликлар, пазандачилик, соғлом озиқланиш, рўзгоршунослик.

Wiley Online Library – табиий фанлар, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ва гуманитар фанларга оид онлайн ресурсларнинг улкан кўп тармоқли коллекцияси ҳисобланади. 1500 дан зиёд журналларнинг 4 000 000 мақолалари, 9000 китоб ва юзлаб кўп ҳажмли маълумотномалар, лаборатория тадқиқотлари ва маълумотлар базаларидан эркин фойдаланиш имконини яратди.

Wrox – Wiley компаниясининг нашриёт бўлинмаси бўлиб, дастурлашга оид китобларни нашр қилади. Ушбу сайт турли даражадаги дастурлаш мутахассисларига ўзаро тажриба алмашиш, ҳар хил лойиҳаларни ишлаш, дастурлаш кодларини ва ҳақозоларни аниқлашга ёрдам беради.

Wiley-VCh – Немис кимё ҳамжамияти ва Wiley компанияларининг қўшма лойиҳаси бўлиб, турли хил илмий, техник ва ихтисослашган маълумотлар (китоблар, журналлар ва китоблар тўпламлари) нинг немис тилидаги босма ва электрон шаклларини нашр қилади. Ихтисосликлар: табиий фанлар, кимё ва материалшунослик.

IOP Publishing компанияси – АҚШнинг Физика институти (Institute of Physics) қошидаги нашриёт ҳисобланади. Институт физика соҳасини ривожлантириш ва дунёнинг кучли физикларини илмий тадқиқотларга жалб қиладиган етакчи илмий ҳамжамият ҳисобланади. Бутун дунёда аъзоларига эга бўлиб, бу фаннинг турли секторларидан 50 000 га яқин етакчи физиклардан иборатдир. IOP Publishing физика фани тадқиқотларини илгари суриш, таълимда қўллаш масалалари, шунингдек, жамоатчилик, сиёсатшунослар билан ҳамкорликда фаолият юритади.

ООО "IVIS" / "IVIS" MCHJ / "IVIS" LTD

МЧЖ "IVIS" – Россиянинг даврий нашрлар, китоблар, микрофильмлар, вақтли нашрлар ва ахборот ресурсларини тарқатувчи йирик компанияларидан бири ҳисобланади. "East View Information Services, Inc" Америка компаниясининг Россия ва МДХдаги дистрибутери ва эксклюзив ҳамкори ҳисобланади.

Компания материаллари йирик кутубхоналар, архивлар, олий таълим муассасалари, тижорат ва давлат муассасалари ҳамда катта миқдордаги тезкор ахборот зарур бўлган, газета ва журналлардан фойдаланиш эҳтиёжи бўлган муассасаларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Компания маҳсулотлари дунёнинг турли қисмларидаги ахборотларни тақдим этади: МДХ, Шарқий Европа, Яқин ва Ўрта Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиё каби давлатлар. Улар ичидан куйидагиларни топиш мумкин:

- вақтли нашрларнинг тўлиқ матнли электрон базаси;
- босма вақтли нашрлар;
- микрофильмлар ва микрофишлар;

- китоблар.

"IVIS" компанияси ўз фойдаланувчилари учун қўйидаги кенг миқёсдаги қўшимча хизматларни тақдим этади:

- Қўлёзма ва босма нашрларни рақамлаштириш;
- Транспортни ташкиллаштириш;
- Кутубхона коллекциялари ва архив материалларини микрофильмлаш;
- Замонавий рақамли технологияларнинг ривожланишининг асосий факторларидан бири – доимо янгиланиб турадиган ахборот оқимидан керакли ахборотни тезда топиш, электрон маълумот базаларини қўллаш, маълумотларни қайта ишлашга имконият яратиш. "ИВИС" компанияси Россия ва МДХ давлатларида шу каби ахборотларни тақдим этувчи асосий манбалардан бири ҳисобланади.

"ИВИС" компанияси томонидан тақдим этиладиган асосий ресурслар:

"**Центральная пресса России**" маълумотлар базаси 30 дан ортиқ марказий кундалик ва ҳафталик нашрларнинг тўлиқ матнларидан фойдаланишга имкон яратади. Ресурс икки миллиондан зиёд мақолаларни ўз ичига олади. Архив қўлами - 1980 йилдан бошланган.

"**Региональные газеты России**" – бу Россия Федерациясининг етти федерал округлари, жумладан, Чечен Республикаси, Шимолий Кавказнинг бошқа регионлари, Ғарбий Сибир, Поволже, Москва ва Санкт-Петербург нашрларининг кенг панорамасини тақдим этади.

"**Периодика стран СНГ и Балтии**" собиқ Иттифоқ давлатларида чоп этилаётган нуфузли вақтли матбуот нашрлари, даврий нашрлар, ахборот агентликларининг янгилекларини тақдим этади. Тақдим этиладиган нашрлар рус ва инглиз тилларида.

"**Издание по общественным и гуманитарным наукам**" асосини Россия Фанлар Академиясининг нуфузли журналлари, машҳур "Новый мир" сингари илмий нашрлар ташкил этади.

"**Наука Онлайн**" Россия Фанлар академиясининг "Наука" нашриёти томонидан ижтимоий-сиёсий ва гуманитар фанлар бўйича чоп этиладиган 36 та энг нуфузли Россия нашрларини ўз ичига олади. Бу журналларда гуманитар фанларнинг турли соҳаларидаги энг диққатга сазовор тадқиқотлар акс этади.

"**Медицина и здравоохранение в России**" – бу тиббиётнинг умумий масалалари, болалар касалликлари, наркологи, психиатрия, юқумли касалликлар бўйича чоп этиладиган расмий ва эркин вақтли нашрларни ўз ичига олади.

"**Издания по проблемам обороны и безопасности**" – маълумотлар базасига ҳарбий мавзу ва хавфсизлик масалалари, жумладан, Ҳарбий қўмондонлик томонидан чоп этиладиган ҳарбий округ, армияга оид Россиянинг 50 га яқин газета ва журнал нашрларини ўз ичига олади.

"Официальная статистика России и СНГ" – Россия Федерациясининг давлат статистика хизмати ва МДХнинг Давлатлараро статистика қўмитаси томонидан нашр этиладиган электрон ресурс **ҳисобланиб**, 2002 йилги Бутун Россия аҳолини рўйхатдан ўтказиш бўйича материалларини ҳам ўз ичига олади.

"Публикации официальных документов органов государственной власти РФ" – электрон ресурси Давлат Думаси ва Федерация Иттифоқи йиғилишларининг стенографик ҳисоботлари, Президент топшириқлари, давлат қарорлари, овоз бериш натижалари, Россия Ҳисоб палатаси томонидан олиб борилаётган расмий хабарлар, ҳисоботларни тақдим этади.

"**Новостные ленты информационных агентств**" – бу Россия ва МДХ давлатларида юз бераётган воқеалар ҳақида тезкор ахборотга эга бўлиш мақсадида ахборот агентликларининг рус ва инглиз тилидаги материалларини тақдим этади.

"**Международные новости службы "World News Connection"** – турли континентларнинг оммавий ахборот воситаларининг (телевидение, радио, газета, ахборот агентликлари) инглиз тилидаги маълумот базасини тақдим этади.

"**Дайджест постсоветской прессы**" – собиқ Иттифоқ давлатлари ҳудудида чоп этилган муҳим материалларнинг йиғиндисидан иборат. Архив қўлами - 1949 йилдан бошланган.

"**Библиотечное дело и информационное обслуживание**" – бу кутубхоначи, библиографлар, архив ва музей иши бўйича мутахассислар, кутубхоначиликка оид олий таълим муассасаларининг

талаба ва ўқитувчилари учун тузилган махсус тўлиқ матнли маълумот базаси. Бу ерда кутубхона, архив ва музейлар соҳасидаги муаммоларни ақс эттирувчи касбий вақтли нашрлар мавжуд.

"Российская национальная библиография" – номли электрон маълумотлар базаси Россия китоб палатаси билан ҳамкорликда тайёрланган ноёб маҳсулот ҳисобланади. Қидирувнинг самарали тизими – муаллиф, номланиши, нашриёти, нашр этиш йили, предмет рунки ва калит сўзлар бўйича тезкор қидирувни амалга оширишга имкон беради.

"Вопросы истории" журналини рақамлаштириш. 1926 йилдан бошлаб барча сонлари мавжуд. Бу лойиҳани амалга ошириш 200 минг варақдан иборат ахборот массиви ичидан зарур ахборотни тезкорлик билан топишга имкон яратади.

"Вестник Европы" (1802-1830 йиллар), Россиянинг XIX асрдаги адабиётшунослик, санъат масалалари, ички ва ташқи сиёсатнинг хусусиятларини ақс эттиради.

"Вопросы литературы" (1957 йилдан) – адабиётшунослик ва адабий танқид масалаларини ёритувчи энг кўп мувожаат қилинадиган Россиянинг илмий наشري ҳисобланади.

"ИВИС" компанияси Хитойда чоп этиладиган электрон ахборот ресурсларининг кенг спектрини тақдим этади. Булар: "Переписи населения КНР" (online), "Статистика КНР" (online), "Статистические ежегодники по провинциям КНР" (СД-РОМ), "Карты КНР с ГИС данными переписи 2000 г." (СД-РОМ), "АПАБИ. Музейные коллекции Китая" (онлайн), "АПАБИ. Коллекции электронных кгин Китая" (online), "СНКИ-СДМД".

Барча электрон маълумотлар базаси қидирув тизимига эга бўлиб, икки тартибда фаолият юритади: оддий (калит сўзлар бўйича қидирув) ва кенгайтирилган қидирув (майдонлар бўйича қидирув).

Оддий қидирувда аниқ ибора орқали қидирув амалга оширилади. Мантиқий операторлар (AND, OR, NOT) ва яқинлик оператори (NEAR) қўлланилади. Майдонлар бўйича қидирув мақоланинг муаллифи, сарлавҳаси, шу жумладан, "тўлиқ мақола" опсияси (муаллиф ва сарлавҳа биргаликда) қидирув имконини беради. Шунингдек, қидирувни чегаралаш имкониятига эга бўлиб, бунда нашр этиш санаси, ахборот манбаси бўйича чегаралаш мумкин. Нашрлар каталоги орқали барча сонларнинг мундарижалари ҳамда журналларнинг алоҳида сонлари билан танишиш имкониятини беради. Материалларни чоп этиш, сақлаш, электрон почта орқали жўнатиш имконига эга.

Электрон маълумот базаларидан ташқари, компания босма нашрларни тарқатиш, шунингдек, Россиянинг ички сиёсатидан тортиб то ижтимоий фанлар ривожланиши борасидаги илмий ва оммавий журналларини инглиз тилида чоп этади.

"Проблемы дальнего Востока" ("admissions and programme commueye") – Россия Фанлар Академиясининг ҳар кварталда чоп этиладиган ижтимоий-сиёсий журнали. Россия етакчи олимларининг аналитик шарҳлари, танқидий мақолаларини ақс эттиради.

"Международная жизнь" ("International Affairs") – Дунё сиёсати, РФРнинг дипломатияси, халқаро муносабатларини ақс эттирувчи журнал бўлиб, инглиз тилида йилига 6 маротаба чоп этилади.

"Военная мысль" ("Military Thought") – Россия Федерацияси Ҳарбий муҳофаза вазирига таълим берувчи етакчи наشري мақомига эга ҳисобланадиган ҳар кварталда чоп этиладиган журнали. Россия ҳарбий доктринаси ва стратегиясини ақс эттириб, 1918 йилдан чоп этилади.

"Общественные науки" ("Social Sciences") – кварталлик журнал бўлиб, Россия Фанлар Академияси институтларининг 25 журналида чоп этиладиган ижтимоий ва гуманитар фанлар бўйича илмий тадқиқотлар, танқидий шарҳлар, аналитик материалларни ўз ичига олади.

"Дайджест поссоветской прессы" (The Current DiGESt of the Post-Soviet Press) – собиқ иттифок давлатлари ҳудудида чоп этилган газета ва журналларидаги муҳим материаллар йиғиндисидан иборат.

Бугунги кунда "ИВИС" Россия, МДҲ ва Балтия давлатларидан рус тилидаги китоб, газета, журналларнинг микрофишлар ва микрофилмлардаги материалларини қамраб олади.

Барча микрофилмлар архивларда сақлаш қоидалари асосида халқаро АНСИ/ИСО стандартлари асосидаги махсус қутиларда сақланади.

ХУЛОСА

Глобаллашув жараёнлари инсоният тараққиётини янги bosқичга олиб чиқиб, одамлар кундан-кунга кенгайиб ва ўзгариб бораётган даврда яшамоқда. Бу жараёнлар ўтган асрда барча қитъаларни қамраб олган илмий-техник юксалишнинг натижасидир. Иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда эришилган ва глобаллашув номи остида танилган ютуқлар айнан шу илмий-техник юксалиш билан боғлиқдир.

Мамлакатимизда олий таълим соҳасидаги ислохотларнинг пировард мақсади ўз соҳасининг етук мутахассисларини тайёрлашдан иборат бўлиб, бу борада жаҳон ахборот ресурсларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон ахборот ресурслари бу – жаҳоннинг етакчи компаниялари ва нашриётларининг илмий-таълим электрон ресурслари бўлиб, улар фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларини ривожлантиришда катта ҳисса қўшади.

Илғор электрон таълимий ресурслардан фойдаланиш нафақат ўқув фаолиятида, балки талабалар, ўқитувчилар, илмий ходимлар ва мустақил тадқиқотчиларнинг илмий фаолиятларида муҳим ўрин тутати. Мақолалар ёзиш, битирув ишларини тайёрлаш, диссертация ишларини бажаришда илмий соҳадаги ютуқлар ва жаҳон ресурслари бўйича аналитик таҳлилларни амалга ошириш илмий фаолият жараёнининг муҳим қисми ҳисобланади.

Таҳлилий маълумот базаларига кириш Ўзбекистон учун нима беради?

– тадқиқотчиларга энг кўп муурожаат этиладиган дунё илмий ҳамжамиятида талаб қилинадиган сифатли ишларни танлаб олишга ёрдам беради;

– давлат илмий ва илмий-техник дастурларида тадқиқотларни ривожлантириш стратегиясини аниқлашда жаҳон илмий ютуқларига мувофиқ навигация қилишга хизмат қилади;

– ОАК ва ихтисослик кенгашларига илмий даражалар олиш учун чоп этилиши лозим бўлган юқори рейтингли илмий журналлар рўйхатини шакллантиришга ёрдам беради;

– илмий тадқиқотлари самарадорлиги, миллий ва халқаро натижалар мониторинги бўйича тизимни тузишга хизмат қилади;

– илмий тадқиқот ташкилотлари ва университетлар, илмий журналлар, республикадаги олимларнинг иш самарадорлигини объектив баҳолашга имкон беради;

– юқори рейтингли илмий журналларда илмий ишлар чоп этилишини рағбатлантиради;

– тадқиқотчига “бажарилган ишлар”ни таҳлил қилишга, ўзининг соҳасидаги перспектив фан йўналишлари, ишланмалари ҳақида маълумот олишга имкон беради;

– ўз йўналишига мос тадқиқотлар бўйича энг нуфузли хорижлик ҳамкорлар, тадқиқотларга ҳомий ташкилотларни топишга ёрдам беради.

Алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу услубий қўлланма дунёнинг етакчи нашриётлари, шунингдек, ўқув ва илмий муассасаларининг таълимга оид маълумот базалари ҳақида ахборот бериб, кутубхоначилар, китобхонлар, тадқиқотчилар учун мазкур ресурсларни излаш, улардан фойдаланиш бўйича ёрдам беради.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Муҳим илмий-таълим ахборот манбаларининг қисқача таҳлили	4
“Oxford university press springer science and business media”	11
Springer science and business media.....	15
Nature publishing group компанияси.....	16
Proquest.....	17
Proquest research library.....	17
Proquest technology collection.....	18
“Digital dissertations and theses”	18
Proquest education journals – proquest журналлари.....	19
Proquest psychology journals – proquest психология журналлари.....	19
Proquest research library – proquest илмий тадқиқот ишлари кутубхонаси.....	20
Proquest technology collection.....	20
Literature online (lion).....	21
Ebsco information services.....	22
Cambridge university press.....	25
WILEY	27
ООО “IVIS” / “IVIS” MCHJ / “IVIS” LTD.....	27
Хулоса.....	30

Услубий нашр

ЖАҲОННИНГ ИЛҒОР ЭЛЕКТРОН
ИЛМИЙ-ТАЪЛИМ МАНБАЛАРИ

Методик қўлланма

Муҳаррир
А.Тилавов

Мусаҳҳиҳ
А.Абдужалилов

Саҳифаловчи
О.Исмаилов

Техник муҳаррир
Н.Мирпўлатова

Нашлиц. № АI 245, 02.10.2013.

Теришга 09.01.2023 йилда топширилди. Босишга
18.01.2023 йилда рухсат этилди. Бичими: 84x108 1/32.

Офсет босма. "Latto" гарнитураси. Шартли б.т. 1,68.

Нашр б.т. 1,0. Адади 250 нусха. Буюртма №107.

Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Go To Print» ХК босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.

Телефон: 71 228-07-96, факс: 71 228-07-95



ЖАҲОННИНГ

ИЛҒОР ЭЛЕКТРОН
ИЛМИЙ-ТАЪЛИМ
МАНБАЛАРИ



ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ISBN 978-9943-7215-6-2



9 789943 721562